O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 31 август, № 171-172 (4070-4071) Пайшанба

# ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК НАМУНАЛАРИ

*Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 30 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.*





Таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳсули сифатида сўнгги йилларда юртимизда дунёнинг турли нуфузли университетлари билан ҳамкорликда қатор олий таълим муассасалари ташкил этилди. Истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами арафасида улар сафига М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали ҳам қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2005 йил 14 ноябрь куни Москвада Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг мантиқий давоми бўлган бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни олий даражага кўтарди.

Кремлда ўтган ана шу тарихий учрашувда Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиалининг очилиши маълум қилинган эди. 2006 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. МДУ филиалининг биноси Тошкент марказидаги Мовароуннаҳр кўчасида қад ростлади. Қурилиш ишлари "ЎзЛИТТИ" ёпиқ акционерлик жамияти томонидан бажарилди.

30 август куни МДУнинг Тошкент филиалига ташриф буюрган Президент Ислом Каримов бу муҳташам бино ён-атрофдаги иншоотлар билан ягона меъморий ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади.

Филиал МДУнинг ажралмас қисми бўлиб, турли соҳада малакали мутахассислар, жумладан, илмий-педагогик кадрлар етиштириб беради. Абитуриентларни қабул қилиш ва битирув имтиҳонлари МДУ томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Июлнинг биринчи ўн кунлигида мазкур олий ўқув даргоҳига кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Мингга яқин абитуриент саксон ўрин учун ўзаро беллашди. Янги ўқув йилида унинг илк талабалари икки йўналишда — амалий математика ва информатика ҳамда психология бўйича таҳсил олишни бошлайди.

Бу ерда ўттиздан зиёд аудитория, кўплаб лабораториялар, корпоратив тармоқли компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази, кўпайтириш-нашр этиш бўлими, спорт мажмуи, хуллас, барча шароит мавжуд. Филиал зарур ўқув қўлланмалари, адабиётлар билан таъминланган.

Президентимиз филиал раҳбарияти ва талабалар билан суҳбат чоғида ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалий математика ва психология соҳаси мутахассисларига эҳтиёж борлигини таъкидлади.

— Ушбу филиал мамлакатимизнинг Россия билан иттифоқчилик муносабатларининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди, — деди Ислом Каримов. — Россиядан йирик олимлар келиб дарс беради. Бу эса илмий-академик доираларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Ислом Каримов талабаларнинг ўқиш, машғулотларга тайёрланиш, яшаш шароитлари билан танишди. Компьютер хонаси, ахборот ресурс маркази, конференциялар залини кўздан кечирди.

Талабалар МДУ филиали Ўзбекистон ёшлари учун катта совға бўлганини таъкидладилар. Ёшлар таълим-тарбиясига бераётган юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг бош майдони улкан меъморий ансамблга айланди — Мустақиллик монументи, Хотира майдони барпо этилди. Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси сингари асрлар силсиласига бардош бера оладиган бунёдкорлик намуналари яратилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тўлиқ реконструкция қилинди.

Фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она ҳайкалининг ўрнатилиши майдон меъморий ечимидаги ўзига хос ютуқ бўлди. Бу бадиий мажмуа эл-юрт шаън-шавкати, ғурур-ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсолларидан бири сифатида абадиятга муҳрланди.

Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали Эзгулик аркаси, оқ пойондоз шаклидаги кенг йўлак билан бирга яхлит ансамблни ташкил қилади. Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини уйғунликда ифодалаган бу ёдгорлик, Юртбошимиз таклифига кўра, Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аталди.

Умумхалқ байрамлари, тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомил мақомини олди. Келин-куёвларнинг янги ҳаётга қадам қўйиш олдидан бу ёдгорликни зиёрат қилиши ҳам анъанага айланди. Азиз ва мўътабар меҳмонларимиз ана шу масканни чуқур эҳтиром билан зиёрат қиладилар.

Президент Ислом Каримов Мустақиллик майдонидаги янги иншоотлар билан танишишни маъмурий бинодан бошлади.

Мустақиллик майдонига файз бағишлаб турган мазкур бино улкан бунёдкорлик ишларининг ҳосиласидир. 14 қаватдан иборат кўркам маъмурий бино ҳамда унинг ёнида қад ростлаган 7 қаватли муҳташам иморат бир-бирига уйғун ягона мажмуага айланган.

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон Ҳукумати ва халқига катта мамнуният ила ғоят самимий қутловларимни йўллайман.

XXI асрда тинчлик, тараққиёт ва инсоний қадр-қимматни олға силжитмоқ учун, халқларга хизмат қилмоқ учун БМТ ўзини янада самарали ва янада масъулиятли ташкилотга айлантира боришни давом эттириши керак. Биз очарчилик ва касалликларга қарши курашаяпмизми ёки демократияни мустаҳкамлаш йўлида иш олиб боряпмизми; терроризмга қарши курашаяпмизми ёки қонун-қоидасини илгари сураяпмизми; тинчликни ҳимоя қилаяпмизми ёки глобал атроф-муҳитни қўриқлаяпмизми, гап мана шунда.

Биз фақат тинч-осойишта глобал ҳамжамиятни барпо этишда муваффақиятларга эришишни истар эканмиз, ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли олға силжиётган эканмиз, шуни англаш қувончлики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон Ҳукумати ва халқининг давомли мажбурияти ҳамда қўллаб-қувватлашига умид боғлай олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Кофи АННАН,**
**БМТ Бош котиби.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан самимий қутловларимни йўллайман.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона ҳамкорлик муносабатлари сезиларли даражада ривожланганини мамнуният билан қайд этарканман, ишончим комилки, ўзаро муносабатларимиз йилдан-йилга давлатларимиз манфаати йўлида ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораверади.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, буюк мамлакатингизга эса равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Но Му ХЁН,**
**Корея Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сурия араб халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийлари ва дўст ўзбек халқига самимий қутловларимни изҳор этиш менга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

**Башар Ал-АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ибрагим Мирзарахимович **Алимов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 август.

# ИСТИҚБОЛЛИ БИТИМ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Сармоядорлар Консорциуми Орол денгизининг мамлакатимиз қисмида геология-қидирув ишларини олиб бориш, кейинчалик янгитдан очиладиган углеводород конларидан олинадиган маҳсулот тақсимоти бўйича Битимни имзоладилар.

Консорциум таркиби "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг", "Petronas Carigali Overseas", "CNPC International", "Korea National Oil Corporation"дан иборат. Консорциум тузиш ҳақидаги Битимга биноан иштирокчилар тенг улушга эгадирлар.

Ҳудуднинг истиқболини ўрганиш ва янги конларни қидириб топиш, яъни геология-қидирув ишлари икки босқичда олиб борилади. Биринчи босқичда уч йил мобайнида минимал дастур доирасида 2300 км. ҳажмда ҳудудий сейсморазведка ишлари олиб борилади ва 2 та разведка қудуғи бурғуланади. Бу ишларни бажаришга кетадиган минимал молиявий мажбурият миқдори эса 99,8 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Нефть ва газни қазиб чиқариш лойиҳа оператори томонидан бажарилади. Олинган маҳсулотни сотиш эса, Консорциум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси юридик шахси сифатида тузадиган маркетинг компанияси томонидан амалга оширилади.

Геология-қидирув ишларининг биринчи босқичи якунлари бўйича кўп йўналишли техник-иқтисодий вариантлар амалга оширилади ва улар кейинчалик маҳсулот тақсимоти бўйича Битимнинг тижорат шартлари билан тасдиқланади. Шу билан бирга, иккинчи босқичнинг геология-қидирув минимал дастури, солиқлар ва тўловлар ҳамда бошқа иқтисодий параметрлар бўйича бир тўхтамга келинади. Ана шу тижорат келишувларидан сўнг дастурнинг иккинчи босқичи бошланади ва янги нефть-газ конларини қидириш давом эттирилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов иштирок этди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми 30 август куни Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмон ҳуррийтимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Жунъичиро Коидзуми Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу ният ва интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини таъкидлади.

Япония Бош вазири Тасвирий санъат галереясига борди. Бу ерда олий мартабали меҳмон Ўзбекистон тарихидаги буддавийлик даври санъатига оид экспонатларни кўздан кечирди. Ўзбекистон ва Япония археологларининг қўшма экспедицияси фаолияти билан танишди. Будда ҳайкаллари, Кушонлар империяси давридан қолган тарихий буюмлар Япония Бош вазирида катта таассурот қолдирди.

Жунъичиро Коидзуми Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрини кўздан кечирди. Бу муаззам санъат кошонаси иккинчи жаҳон уруши даврида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган япониялик фуқаролар иштирокида бунёд этилган.

Япония Бош вазири иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган ва ўзбек заминида абадий қўним топган ватандошлари хотирасига бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қўйди. Ўзбекистонда япон ҳарбийлари хотирасига атаб қурилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларининг белгиси эканлигини таъкидлади. Уларнинг хотирасига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун Президент Ислом Каримовга, Ўзбекистон халқига миннатдорлик билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми Самарқанд шаҳрида бўлди.

Олий мартабали меҳмон қадимий шаҳарнинг тарихий обидаларини томоша қилди. Соҳибқирон Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда мажмуини зиёрат қилди, Улуғбек расадхонаси билан танишди.

— Самарқандга биринчи марта келишим, — деди Жунъичиро Коидзуми. — Шаҳарнинг тарихий обидалари ҳам, бетакрор, замонавий қиёфаси ҳам кишининг баҳри дилини очади. Юртингиздан жуда бой таассуротлар билан қайтмоқдаман.

Шу билан Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзумининг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**Ф.АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**




1963 йилда Ўзбекистон билан илк бор танишганимдан буён ўтган вақт мобайнида мамлакат таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Мен Буюк Ипак йўли давридаги каби қизғин олди-сотдилар бўладиган бозорларни, эски кўчаларни, ўз атрофида ажойиб муҳитни яратган чойхоналардаги хушфеъл оқсоқолларни яхши эслайман. Аравалар билан тўлиб тошган кўчаларда автомобилларни жуда кам учратиш мумкин эди.

# «Ўзбекистонда умрбод қолишни истайман»

Бугунги Ўзбекистон эса замонавий, саноати юксак даражада ривожланган автомобиль ва самолётлар ишлаб чиқараётган мамлакатдир.

Юртингиз ўтган ўн беш йил мобайнида айниқса ўзгарди. Сурхондарё вилоятидаги кўҳна Далварзинтепа шаҳри ҳудудида археологик қазиш ишларини амалга ошириб, Ўзбекистонга бир йилда кўп маротаба келаман ва ҳар сафар кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, хусусан, янги кўприклар, шифохоналар, коллежлар қурилаётганининг гувоҳи бўламан. Булар Ўзбекистон барқарор ривожланаётгани ва ҳукуматнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлигидан далолатдир.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда салмоқли ютуқларни қўлга киритишида Президент И.А. Каримовнинг хизматларини алоҳида қайд этишни истардим. У менда дадил ва доно сиёсатчи, самимий ва меҳнатсевар инсон сифатида таассурот уйғотади. Бундай йўлбошчи раҳбарлигида мамлакат янада тараққий этиши ва гуллаб-яшнашига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Япония-Ўзбекистон муносабатлари тўғрисида сўзлайдиган бўлсак, маданиятлар, қадриятлар ва дунёқарашларнинг ўхшашлиги, шунингдек, асрлар давомида синалган мустаҳкам дўстлик риштала ри доимо халқларимиз ўртасидаги самимий ҳурмат-эҳтиром ва ўзаро тушунишга сабаб бўлган. Шу маънода Бош вазир Жунъичиро Коидзумининг Ўзбекистонга ташрифи ҳамкорлигимиз ва дўстлигимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон сўнгги йилларда мен учун жуда яқин бўлиб қолди. Ҳар гал бу ерга келишимдан олдин мен ўзимни гўёки Ватанимга қайтаётгандек ҳис этаман. Мен Термиз шаҳрининг фахрий фуқаросиман, Сурхондарёда уйим бор. Меҳнат фаолиятимни якунлагач, мен Ўзбекистонда доимий равишда яшашни, кўҳна ўзбек заминида умрбод қолишни режалаштираяпман.

Биродар ўзбек халқини қутлуғ айём — Мустақилликнинг 15 йиллик байрами билан чин қалбдан муборакбод этаман!

**Кюздо КАТО,**
**«Ипак йўли» халқаро академияси директори, профессор, «Дўстлик» ордени нишондори.**
**«Жаҳон» АА.**
Токио.

# ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК НАМУНАЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари бино билан танишар экан, мазкур иншоотни барпо этишда иштирок этган муҳандислар ва қурувчиларнинг меҳнати ва маҳоратига юксак баҳо берди.

— Бу муҳташам бино Мустақиллик майдонининг яхлит меъморий ансамблини тўлдиради, — деди Юртбошимиз. — Бундай мажмуалар мустақиллигимизнинг тобора мустаҳкамланаётганидан, эл-юртимиз фаровонлиги ортаётганидан яна бир далолатдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда изчил татбиқ этилаётган Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош режасида фавворалар барпо этиш амалиёти мустақиллик даври меъморчилигининг узвий қисми сифатида муҳим ўрин тутади.

Олдинги фавворанинг истиқлол йилларида Мустақиллик майдонида юксак дид билан бунёд этилган меъморий обидалар қуршовида бугунги илғор технология даври талабларига жавоб бермаслиги аёнлашиб қолган эди. Жорий йилнинг апрель ойида бошланиб, яқинда ниҳоясига етган қурилиш-реконструкция ишлари туфайли замонавий фавворалар мажмуи юзага келди. Маъмурий бинонинг икки тарафидаги фавворалар тўла реконструкция қилинди. Хотира майдонига туташ жойда эса қўшимча равишда қурилган узунлиги 88 ва эни 35 метрлик янги фонтан ҳам кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бош майдонга туташ ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг яна бир улкан ҳосиласи — Бизнес марказидир. Мазкур иншоот Мустақиллик майдонига ёндош чорраҳада қад ростлади.

Президентимиз тавсиясига кўра, бу ерда 2004 йилдан Навоий кон-металлургия комбинатининг бизнес марказини барпо этиш ишлари бошланган эди. Бир ярим йил ичида бунёд этилган 14 қаватли иншоот қурилишида маҳаллий қурилиш маҳсулотлари билан бирга, хорижий мамлакатларда тайёрланган ноёб материаллар, жиҳоз ва ускуналар ҳам ишлатилди. Эътиборли жиҳати шундаки, девор сиртини қоплашда оқ сунъий тош — «сатил» қўлланилгани бинога кўркам қиёфа ва салобат бағишлади.

Ислом Каримов бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, меъмор, лойиҳачи, қурувчи ва монтажчилар меҳнатини юқори баҳолади.

— Мазкур марказнинг барпо этилиши мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишга, юртимизга хорижий сармоядорларни кўпроқ жалб этиб, улар билан манфаатли мулоқотлар ташкил этишга хизмат қилади, — деди Президентимиз. — Айни пайтда бу бино ўзининг бетакрор қиёфаси билан Мустақиллик майдонининг умумий манзарасини тўлдиради, кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшади.

Ҳа, изчил юксалиш йўлидан бораётган, осмони мусаффо, бунёдкор халқ мана шундай улуғвор биноларни, бетакрор майдонларни, гўзал фавворапарни қуриши мумкин.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Ғулом МИРЗО,**
**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.

## Публицистика

Истиқлолимизнинг ўн беш йиллиги ҳақида ўйлаганимиз сайин ўтган даврда онгимизда рўй берган ўзгаришлар бирма-бир намоён бўлаверади. Эътироф этмоқ керакки, XX асрнинг 90-йилларигача Ўзбекистон кўп соҳаларда жаҳон тараққиётидан орқада қолган эди. Оролимиз қуриди, еримиз юзини шўр қоплади. Шу ўринда тўғрисини айтиш керак, ишонувчан, мақтовга анчайин мойилроқ эканлигимиз бизга панд берди. Ўшанда сиёсий тутқун эдик. Энди мустақилмиз, эркимиз ўз қўлимизда! Бу эса зиммамизга янада каттароқ масъулият юклайди.

# БУЮК КЕЛАЖАККА БИР ҒИШТ ҚЎЁЛСАК...

### Тарихингдир минг асрлар...

Тўғри, маънавиятимизга муайян даражада путур етказилганди, лекин асосий мезонларда ўзлигимизни, миллий қиёфамизни сақлаб қолганмиз. Кенг миқёсда олсак, ўтган аср давомида миллий мустақиллигини қўлдан бой бериб қўймаган, юрти мустамлака бўлмаган халқларга қараганда бизнинг турмуш анчагина оғир ва ночор кечди, кўпроқ йўқотишларга учрадик. Дарҳақиқат, биз чиқарган биринчи хулоса шуки, кишининг тақдири ўз халқи қисмати билан бир бўлади, ўз халқидан ташқарида чин бахт-саодат бўлмайди, яъни ҳар бир кишининг таржимаи ҳолидан халқнинг тарихи келиб чиқади. Тақдири бир эканини англаган кишилар ўртасида уюшқоқлик даражаси кучли бўлади, албатта. Ҳамма ўз қисмати яхши бўлиши учун бир ёқадан бош чиқариб иш тутади. Зеро, истиқлол йилларида миллатимизнинг жипслиги кучайди. Бу эса халқимиз тафаккури даражаси юксалганини кўрсатувчи энг катта муваффақиятдир.

Истиқлол туфайли мулкка, мулкдорликка ва умуман, бойликка, бой-бадавлат бўлишга муносабат ўзгарди. Бунинг мусбат ва манфий томонлари бор. Текисчилик, одмигина яшаш асосий турмуш тарзи сифатида зўр бериб улуғланган ва тарғиб-ташвиқ қилинган шўролар замонида бой одамга нисбатан ёт кўз билан қараларди. Ҳозирги пайтда фуқаролари бой-бадавлат мамлакатнинг ўзи ҳам қудратли бўлиши тан олинди. Бой-бадавлат бўлиш учун Юртбошимиз билдирган фикрлар нақадар зарурлигини тўлиқ ҳис қилаяпмиз, мол-мулк эгаси бўлишдек бахтга муяссар бўлдик. Бироқ, пул топиб ақл топмаган, вақт ўтиши билан ўтмас матоҳга айланиб қоладиган бисот йиғувчилар ҳам, ортиқча маблағини банкларга қўйиб, фоизини олаётганлар ҳам, пойдевори мустаҳкам, асрлар оша турадиган ғиштин иморат қураётганлар ҳам бор. Ҳалолидан топиб, эзгу ишларга сарфлаш жамиятимизнинг эзгу қадриятларидан бўлиб қолди. Мулкдорлар синфи вужудга келди. Бу тарихга айланди. Хуллас, истиқлол тарихи мустаҳкам бўлиб бормоқда.

### Жаҳонга юз тутиб

Дунёдаги манаман деган олимлар бизнинг тараққиётимиз билан қизиқмоқдалар. Халқаро экспертлар Истиқлолнинг 15 йиллиги арафасида Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ўсишига катта баҳо беришмоқда. Резинг университетининг Евроосиё тадқиқотлари маркази ўтказган «Ўтиш давридан сўнг: глобал дунёда ривожланаётган иқтисодиётлар» анжуманида Аделаида университети (Австралия) профессори Ричард Помфрет Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожланиш моделларининг қиёсий таҳлилини тақдим этиб, ўтган аср 90-йиллари ўрталаридаёқ иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга ва иқтисодиётни ривожлантиришни давом эттиришга муваффақ бўлган. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган сиёсат муваффақиятли эканлиги қайд этилди. У ўтиш даврида Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг мақбул стратегияси ишлаб чиқилганини таъкидлади. (**«Халқ сўзи», 2006 йил 12 июнь).**

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий жараёнларда иштирок этиши – бу табиий жараёндир. Ўтган аср ўрталарида кўплаб иқтисодий моделлар, жумладан Европа давлатлари бозор иқтисодиёти деб аталмиш иқтисодий ривожланиш усулининг юзага келиши бундан далолат беради.

Ўзбекистондаги ислоҳотлар сокин ва ижтимоий ларзаларсиз амалга оширилаётганига гувоҳмиз. Инчунун, Лидс университети (Буюк Британия) профессори, «Евроосиё тадқиқотлари» журнали муҳаррири Кристоф Блуснинг таъкидлашича, СССР парчаланганидан сўнг унинг ҳудудида хавфсизлик юзага келган. Масалан, ягона шўро армияси сингари тушунча энди мавжуд эмасди, кўпчилик республикалар, жумладан, Россия ўз ички муаммолари билан банд эди ва «янги дунё тўғрисидаги хаёллар» билан яшаётганди. Мустақилликни қўлга киритиши билан ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга улкан аҳамият қаратган Ўзбекистон эса бундан мустасно бўлди, деди буюк британиялик олим.

Ўн беш йил. Бу тарих учун катта муҳлат эмас. Бироқ, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятига ўзига хос ва мос равишда кириб келди. Ҳозирги пайтда 100 га яқин мамлакат билан иқтисодий-ижтимоий алоқалар ўрнатди. 190 дан ортиқ давлат Ўзбекистонни тан олди. 40 дан ортиқ давлатнинг элчихоналари бизда ва 50 га яқин давлатда бизнинг элчиларимиз фаолият кўрсатишади.

### Ҳунарни асрабон нетгумдир, охир

Миллатимиз, халқимиз ўз йўли — ўзлигини топди. Қобилияти ва иқтидорини намоён қилаётир. Зеро, ҳамиша салоҳиятлилар, иқтидорлилар юртни бахт-саодатга бошлаган. Масалан, Алишер Навоий тўрт ёшида «Мантиқ ут-тайр»ни ёдлаб олган. Рустам Қосимжонов болалигидан шахматга меҳр қўйган. Бироқ, оналари уларни бизнинг онамиз каби аяган. Алишер Навоийдан севимли асари яшириб қўйилган. Аммо, у асарни ёдлаб олишга улгурган эди. Шеъриятга астойдил меҳр қўйгани, сўз санъатидан бошқа нарсани ўйламагани учун ўн икки ёшида малик-ул калом Лутфийни қойил қилди.

Рустам Қосимжоновга онаси шахмат ўйнашни тақиқлаб қўйган эди. Мияси зўриқмасин деган-да. У ётар чоғида шахматни ўзи билан кўрпада ҳам ўйнар эди. Бу йўлда ўта қатъиятли бўлгани учун ҳам кўпчилик тенгдошлари ҳали касб танлашда иккиланиб юрган вақтларда у танилиб қолган спорт устаси мақомини қўлга киритган эди. Балки, шеърият билан спорт касб эмас, ҳунардир. Аммо касбга болалигидан меҳр қўйган, дунё бўйича биринчи рақамли миллиардер Билл Гейтс болалигиданоқ компьютер жинниси бўлган. Ҳеч нарсага чалғимасдан компьютер титкилаши бора-бора унга чексиз имкониятлар эшигини очди. Ўзимизда ҳам болалигиданоқ ота-онасининг савдо ишларига кўмаклашиб, тижорат сирларини пухта ўрганиб олган ёшлар улғайиб катта ишларга қўл ургач, журъатли бизнесменлар бўлиб етишишлари мумкин.

Демак, болаларимизни мустақил ҳаётга эсини таниган кунданоқ тайёрлашни бошлашимиз, бунинг учун, аввало, ота-онанинг ўзи узил-кесил бир қарорга келиши зарурдир. Акс ҳолда фарзандларимиз мустақил ҳаётга ўз билимига ишонган, жамиятдаги мавқеини тўла англаган ҳолда дадил қадамлар билан кириб кела олмайди. Бу эса уларнинг ҳаётда эришиши мумкин бўлган ютуқларини ё батамом чеклаб қўяди ёки ниҳоятда кечиктириб юборади.

Шу боис ҳам ҳунар ўргатиш урф бўлган. Ҳунар ўрганиш воситасида бола ҳаётга тайёрланган. Шунингдек, Шарқ мамлакатларида оддий фуқаролар каби шаҳзодаларга ҳам салтанат иши қаторида ҳунар ўргатишган. Жумладан, Кайковус «Қобуснома» асарида ёзишича, «... Хос кишиларнинг фарзандларига адаб ва ҳунардин яхшироқ мерос йўқтур ва олий халойиқнинг фарзандларига ҳирфа (савдо, ҳунар), пеша (касб)дин яхшироқ мерос йўқтур. Пеша қилмоқ (ўрганмоқ) муҳташамларнинг фарзандларига номуносиб кўринур. Аммо пеша ҳақиқатда барча ҳунарларнинг улуғидир. Агар хос одамларнинг фарзанди юз ҳунар билса ва лекин ҳеч касбни қилмаса айб эмасдур. Ҳунар эса бир кун ишга ярағусидур».

Касб-ҳунар коллежлари. Бу ибора сўнгги йилларда шунчалик ҳаётимизга сингиб кетдики, ҳар бир оила, ўзини билим олишга чоғлаган инсон коллежларни, у ердаги турли-туман касб-ҳунар соҳиби бўлишни орзу қилади, албатта.

Ҳунардан — унар, деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Истиқлол меваси, истиқболи ҳам билим даргоҳлари — университетлар (ҳамма вилоятларда), коллежлару лицейлар эканлигини унутмайлик сира!

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонни барпо этиш йўлини ишлаб чиқар экан, «Давлат — асосий ислоҳотчи» тамойилини танлади. Республика раҳбарияти айрим мамлакатларда мавжуд бўлган «карахт қилиб даволаш» Ўзбекистонга мутлақо тўғри келмаслигини яхши тушунарди. Мамлакатнинг тарихи ҳам, маданияти ҳам ўзбек заминида замонавий капитализм атиргул ёки лола каби тез фурсатда гул очишига умид қилиш имконини бермасди. Ўзбекистон аввал бошданоқ ислоҳотларнинг асосий мақсади халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат эканлигини эълон қилди.

Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатни модернизация қилишдан бошқа мақбул йўл йўқ, деган хулосага келди. Бу эса жамият ҳаётида демократияни ривожлантиришни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва бир қатор сиёсий ислоҳотлар ўтказиш ҳамда турли халқаро сиёсий институтлар билан ҳамкорлик қилишни кўзда тутди. Шу ўринда халқаро ташкилотларнинг кўпчилик ёш демократик давлатга нисбатан ҳар доим ҳам хайрихоҳ муносабатда бўлавермаганини ҳам айтиб ўтиш керак. Улар собиқ шўро республикалари орасида биринчи бўлиб қонуний сайланган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни қаттиққўл ҳукмдор қиёфасида кўрсатишга, ривожланаётган демократияни эса Ғарбни алдаш мақсадида қилинаётган Византия ўйинларига ўхшатишга астойдил уринарди. Бироқ, Шарқ донишмандлигининг ўзи демократия тамойиллари эканлигини тўлиқ англаб етган Ўзбекистон ҳукумати ўзи танлаган демократик тараққиёт йўлидан борар экан, бу борада, аввало, ўз салоҳияти ва кучига мутлақо ишонди.

Республика парламенти инсон ҳуқуқлари ҳимоясига доир 130 га яқин қонун қабул қилди ва 60 дан зиёд халқаро шартномани ратификация қилди. Халқаро ҳуқуқларнинг умумэътироф этилган меъёрлари миллий қонунчиликда мустаҳкам ифодасини топди.

Ўзбекистонда юзлаб миллий ва халқаро нодавлат ташкилот ҳамда 2500 дан ортиқ маҳаллий жамоат бирлашмаси ҳамда нотижорат ташкилотлар рўйхатга олинган. Республикада халқаро жамғармалар ва бошқа кўплаб умумжаҳон ташкилотлари фаолият юритмоқда. Инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини кузатиш борасида ўз вазифаларини бажаришда уларга ҳеч ким тўсқинлик қилаётгани йўқ. Чунки Ўзбекистон инсонпарвар, халқчил, фуқаролик жамиятини қураётган давлатга айланмоқда.

**Рустам РЎЗИЕВ,**
**юридик фанлари доктори.**
**Карим НОРМАТОВ,**
**тарих фанлари доктори.**

## ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

# ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

**«Ишонч» 30 август.**
**Шароп Уснатдинов «Инсоннинг бахти — эркинлик туфайли»:**

«Нукус шаҳри кўчаларини пиёда кезган одам бу ерда кун сайин юз бераётган ўзгаришларни кўриб севинади. Яқинда Қорақалпоғистон ҳукумати ўтган олти ойда амалга оширилган ишлар масаласини кўриб чиқди. Ундаги кўрсаткичлар барча соҳаларда ҳам олға силжишлар бўлаётганидан дарак бериб турибди».

**«Ҳуррият» 30 август.**
**Аннамурод Жумақулиев**
**«Тўқликнинг шўхлиги бу»:**

«Икки ёшни унаштиришда биринчи восита нон бўлишининг ўзида ҳам улуғворликнинг рамзий маъноси бор. Яхши ният билан нон ушатган шу кексаларнинг ўзлари ҳар иккала томон имкониятларини ҳисобга олиб, тўй юкини бироз енгиллатсалар савоб иш бўларди».

**«Миллий тикланиш» 30 август.**
**Аҳмаджон Мелибоев**
**«Миллий ғоя тарғиботи»:**

«Зеро, маънавият тарғиботчилари бўлмиш зиёлиларнинг одамлар қалбига етиб борувчи таъсирчан сўзи, таҳлилий кузатувлари, огоҳликка чорлови ҳамма замонларда ҳам жамият маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Бугунги глобаллашув шароитида дунёда, ён-атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнларни, турфа хил давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнаш келиши оқибатида юз бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини очиб беришда, тажовузкор кучларнинг ғаразли ниятларини фош этишда, эл-юрт осойишталигини таъминлашда адабиёт ва санъат арбоблари, фан ва маданият намояндалари ҳамиша фаол бўлишлари керак».

**«Диёнат» 31 август.**
**Нилуфар Ниёзова «Чечакка бурканди яна гул шаҳрим»:**

«Яна бир нарсани айтишим мумкин, гулни поклик, эзгулик, муҳаббатга қиёс қиладилар. Шу жиҳатдан наманганликларнинг гулга ошнолиги уларнинг нақадар нозик дидлигидан далолатдир.

Очиқ айтиш мумкин, байрам қатнашчилари ҳавасманд гулчи Илҳомжон Тоҳировнинг кўргазмасини ўзгача қизиқиш билан томоша қилдилар. Пальма, фикус, алаказия, бегония, антириум, якобиния каби гуллар тинмай харидорлар қўлига ўтади».

**«Спорт» 30 август.**
**Акмал Абдиев «Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот»:**

« — Ҳозир интернет орқали хат ёзишиб турамиз. Серена «Ассалому-алайкум, Сени яхши кўраман, Сени ардоқлайман», деган ўзбекча гапларни ўрганди. У билан 2007 йил АҚШда ўтадиган Жаҳон чемпионатида кўришмоқчиман. Ўшанда Серенага ўзбек либосларини ҳадя қиламан, дейди Фурқат саволимга жавобан».

## Фармон ва ижро

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 февралдаги "Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Улгуржи савдо корхоналари уюшмасини ташкил қилиш зарурлиги таъкидланган эди. Шу йил 6 мартда эса Президентимиз "Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорга имзо чекди. Хўш, ушбу Фармон ва Қарорнинг қабул қилинишини қандай ҳаётий зарурат тақозо этди? Улгуржи савдо корхоналари уюшмасининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Ўтган даврда мазкур уюшма томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримиз "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси раиси Зафар ФАЙЗИЕВ билан учрашиб, ана шу саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

### Савдо хизмати:

# СИФАТ ДАРАЖАСИ

— Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида ишлаб чиқариш, савдо соҳаларида ягона давлат тизими барҳам топди, унинг ўрнида турли мулк шаклидаги, асосан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тааллуқли савдо корхоналари, шохобчаларидан иборат хизмат соҳаси вужудга келди. Улар учун яратилган эркинлик, савдо жараёнини соддалаштириш, назоратни камайтириш, айниқса, кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар фаолияти учун кенг йўл очиб берди. Мустақиллик йиллари давомида чакана савдо шохобчалари сони ўн баробар кўпайгани шундан далолат беради. Бундай ҳолат, ўз навбатида, айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Маҳсулот етказиб беришнинг марказлашган тизими бекор қилиниши муносабати билан, масалан, тижорат дўконлари ва бўлимларига аксарият ҳолларда товарлар майда улгуржи тарзда бозорлардан келтирилмоқда. Бундай ҳолда маҳсулот сифати тўла кафолатланган бўлмайди, албатта.

Бугунги кунда улгуржи ва чакана савдода маҳсулотларни қабул қилишда сифатини текшириб олиш, уларни сақлаш, сотиш жараёнларида белгиланган қоидага риоя қилмаслик ҳолатларини ҳам кўплаб учратиш мумкин. Жазирама офтобда очиқ жойда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг ҳеч қандай ҳужжатсиз, кафолатсиз сотилиши натижасида истеъмолчилар ҳуқуқи поймол қилинаётганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Энг ачинарлиси, қишлоқ жойларининг олис ва бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларида яшовчи аҳолига зарур товарлар етиб бормаяпти.

База-идоралар, улгуржи савдо корхоналари уюшмасини ташкил этишдан мақсад — ишлаб чиқарувчилар, улгуржи база ва чакана савдо тармоқлари ўртасида узвий шартномавий алоқаларни мустаҳкамлаб, халқимизнинг эҳтиёжидан ва талабидан келиб чиққан ҳолда, республика аҳолисига, хусусан, қишлоқ, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлар аҳолисига кундалик зарур бўлган, республикамизда ишлаб чиқарилган ҳамда четдан келтирилган товарларни энг қулай шароитда ва арзон нархларда етказиб беришни ташкил этишдан иборат.

Фармон ижроси юзасидан қабул қилинган бир қатор қарор, фармойиш, баёнларга мувофиқ, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудий улгуржи савдо базаларида эса жорий таъмирлаш, ободонлаштириш, омборларни тартибга солиш, жиҳозлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, уюшма тизимида 7 та ихтисослаштирилган республика база-контораси, 17 та озиқ-овқат ва 13 та ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи ҳудудий универсал улгуржи савдо базалари ташкил этилди. Уларнинг барчаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгач, Давлат лицензияларини олиб, ўз фаолиятини бошладилар.

Товар ишлаб чиқарувчилар билан алоқалар ўрнатиш учун уюшма фаолиятининг дастлабки даврида бозордаги халқ истеъмол товарлари савдосининг мониторинги ўтказилди. Маълум бўлишича, мавжуд пештахталарни безаб турган маҳсулотлар – эркаклар, аёллар ва болалар учун мўлжалланган турли кийим-кечаклар Тошкент шаҳри ҳамда республикамизнинг барча вилоятларида, айниқса, Фарғона водийсида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган экан. Муҳими, уларнинг кўриниши ва сифат даражаси импорт маҳсулотларидан қолишмайди, нархи эса аҳолининг харид қобилиятига мос эди. Ўйлаб кўринг: агар барча ишлаб чиқарувчилар, хусусий тадбиркорлар, касаначилар қўллаб-қувватланса, уларнинг мавжуд муаммоларини ечиш, молиявий масалаларини ҳал этиш, шунингдек, ана шу хўжалик юритувчи субъектларга керакли ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилиб, етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатилса, улар истеъмол бозорини керакли товарлар билан тўлдиришга катта ҳисса қўшишлари муқаррар.

Шартномалар тузиш мақсадида республикадаги йирик товар ишлаб чиқарувчи 345 та саноат корхонаси, фирма, хусусий тадбиркорлар субъекти рўйхати тузилди, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари, ҳажми, ўртача нархлари ҳақида маълумотлар йиғилди. Саноат тармоқлари, республика Савдо-саноат палатаси раҳбарлари билан бир неча бор амалий учрашувлар, музокаралар ташкил этилди. Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳокимликларида ҳам ўтказилди.

Фармонда белгиланганидек, ички истеъмол бозорида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, мамлакатимиз корхоналари билан барқарор савдо алоқалари ўрнатиш, саноат ва озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун буюртмаларни жойлаштириш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, истеъмол бозорида ўтказилган маркетинг тадқиқотлари натижаси ва таҳлили асосида республикада ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли товарларининг етарли бўлмаган турлари, янгидан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши лозим бўлган ҳамда аҳоли учун зарур, аммо республикада ишлаб чиқарилмайдиган товар турлари аниқланди. Шу асосда саноат тармоқларига тегишли таклифлар киритилди. Бундан ташқари, шу кунларда ихтисослаштирилган республика база-конторараларида ўз товар номенклатуралари бўйича саноат корхоналари, фирмалар, кичик бизнес тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кўргазма-ярмаркалари ўтказилмоқда ва шартномалар тузилмоқда.

Ҳозиргача товар ишлаб чиқарувчилар билан 47,3 млрд. сўмлик озиқ-овқат ва 11,1 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат товарлари етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланди. Бу каби тадбирлар ҳокимликлар ёрдамида вилоятларда ҳам ўтказилмоқда. Иш силлиқ кетаётгани йўқ, албатта. Аммо республика ҳукумати кўмагида муаммолар бартараф этилмоқда.

**— Зафар Омонович, чакана савдо тармоғи билан муносабатларга ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— Уюшма фаолиятининг пировард мақсади — истеъмолчиларга чакана савдо тармоғи орқали барча зарур маҳсулотларни етказиб бериш. Бу вазифани амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ёрдамида, асосан, қишлоқ ҳудудларида жойлашган аҳоли турар жойлари бўйича чакана савдо шохобчалари дислокацияси тузилди. Булар орасидан эса уюшма базаларидан шартнома асосида аҳоли учун зарур кундалик истеъмол молларини етказиб беришга шартнома тузадиган корхоналар, фирмалар рўйхати белгиланди.

Маҳаллий ҳокимликларда чакана ва улгуржи савдо раҳбарлари иштирокида йиғилишлар ўтказилди, Президентимиз Фармони, кейинги қарорлар, имтиёзлар ва яратилаётган шароитлар хусусида тушунтиришлар берилди.

Амалга оширилган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Улгуржи базалар билан ишлаш иштиёқини билдираётган чакана савдо корхоналари сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Шу кунга қадар чакана савдо корхоналари билан 32,1 млрд. сўмлик товар бўйича олди-сотди шартномалари тузилди. Шундан 11,1 млрд. сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди.

**— Уюшмага аъзо бўлган республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий базаларига қандай имтиёзлар берилиши кўзда тутилмоқда?**

— Президентимизнинг Фармони билан республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий базалари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб 5 йил муддатга мулк солиғидан, 2006 йил 5 июндаги "Ихтисослаштирилган улгуржи база-конторапарга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида эса, шу йил июндан бошлаб уч йил муддатга ялпи даромад солиғидан озод этилдилар. Уларга нисбатан Давлат мақсадли жамғармаларига ва

**Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови**

# ТИҒИЗ ДАМЛАР ҚАДРИ



**Жорий йил об-ҳавоси пахтачилик учун анча қулай келди. Баҳорда ҳавонинг бирмунча илиқ бўлиши уруғликни ўз вақтида қадаш имконини берган бўлса, ёз ойларида ҳароратнинг етарлилиги туфайли ҳар туп ғўзада мўлжалдаги бўлиқ кўсаклар яратилди. Ҳозирги кунда Бекобод тумани далаларида бўлган киши бунга гувоҳ бўлади. Бу уста, ишнинг кўзини биладиган деҳқонлар бор тажрибаларини ишга солиб, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказганликлари самарасидир.**

Бекобод пойтахт вилоятидаги энг чекка туман. У ер майдони жиҳатидан ҳам, пахта тайёрлаш ҳажми бўйича ҳам вилоятда биринчи ўринда туради. Аммо шароити бирмунча мураккаб: кўпинча шамол бўлиб туриши натижасида ердан нам қочиб, экин ўсишига салбий таъсир қилади. Шунга қарамасдан, деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли охирги йилларда шартнома режалари уддаланиб келиняпти. Хўш, қўлга киритилаётган ютуқларнинг сири нимада?

Аввало, туманда фермерлик ҳаракатига алоҳида эътибор беріляпти. Пировардида уларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, ўтган йил якунларига кўра, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз 3 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизида ўнлаб фермер хўжаликлари ташкил этилди. Шу кеча-кундузда эса 722 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда улар пахта ҳосилининг асосий қисмини, яъни 75 фоизини етиштиришга аҳд қилишган.

Пахтачиликдан юқори ҳосил олиб, катта даромадга эга бўлаётган фермер хўжаликларидан бири — "Ҳақиқат кучи" фермер хўжалиги улардан бири. Бу жамоа бошлиғи Мирзараҳмат Мирзаевнинг суяги деҳқончиликда қотган, десак муболаға бўлмайди. Чунки у киши бутун умрини пахтачиликка бағишлаган. Ишни оддий колхозчиликдан бошлаб, звено, бўлим бошлиғи, агроном бўлиб ишлади. Фермер сифатида ер олиб, иш бошлаганига ҳам, мана, беш йил тўлди. Шартнома режалари эса ҳар йили ортиғи билан адо этиляпти.

— Тажрибамдан билдимки, фермерлик осон иш эмас экан, — дейди Мирзараҳмат ака. — Зарур бўлса, куну тун меҳнатни, фидойиликни талаб қиларкан. Лекин бор куч-ғайрат ва имкониятлар ишга солинса, албатта, самара яхши бўлишига ишонч ҳосил қилдим. Мавжуд 46,5 гектар майдоннинг 22,5 гектарида пахта етиштирамиз. Ўтган йили ҳар гектар ердан 40 центнердан зиёд ҳосил йиғиштириб олиб, шартнома режасини 150 фоиздан оширдик. Соф фойда 12 миллион сўмдан ошди. "Даромадга яраша буромад" деганларидек, зарур техника воситаларига эгамиз. Хизмат кўрсатувчи корхоналардан қарзимиз йўқ, аксинча, уларнинг айримлари биздан қарздор.

Бу йилги мўлжал — 45 центнер. Лекин ёзда ҳароратнинг меъёридан бироз юқори бўлиши, сув танқислиги бизга анча қийинчилик туғдирди. Шундай бўлса-да, қараб турмадик. Бор тажриба ва имкониятимизни ишга солиб, тўпланган ҳосилни қўлдан чиқармаслик чорасини кўрдик ва бунинг уддасидан чиқдик ҳам. Ғўзага 4 марта ўрнига 5 марта сув бердик. Шунга яраша қатор ораларига ишловни ҳам кўпайтирдик. Натижа ёмон бўлгани йўқ.

Дарҳақиқат, бугун фермер далаларидаги ғўзаларнинг ривожи яхши. Ҳар бир туп ниҳолда энг камида 14-16 тадан бўлиқ кўсак мавжуд. Уларнинг сони яна 4-5 тага кўпаяди. Бу режада кўзда тутилганидан ортиқ ҳосил тўпланганидан далолат беради.

"Дилзиё Шамс" фермер хўжалиги эса янги — жорий йилнинг бошидан фаолият кўрсатиб келмоқда. Илгари собиқ ширкат хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлаган тажрибали пахтакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Мамажон Ғафуров — унинг раҳбари. Бу жамоанинг 16 гектар майдондаги ғўзаларини кўрган одамнинг кўзи қувнайди. "Қанийди, энди ҳамма жойда шундай ғўзалар бўлса" деган истак кўнгилдан ўтиши шубҳасиз.

Мамажон ака билан дала айландик. Баъзи жойларда бўйи бир метрдан зиёд ғўзаларнинг ҳар бир тупида 12-14 тадан кўсак санадик. Уларнинг бир қисми аллақачон очилган.

— Кўриб турганингиздек, пайкалларда ҳозирнинг ўзидаёқ режани қоплайдиган миқдорда ҳосил тўпланган, — деди фермер. — Тез орада яна ҳар бир тупга 2-3 тадан кўсак қўшилади. Сабаби, қаранг, ҳосил тугунчалари кўп. Шунинг учун парваришни бўшаштирмаяпмиз, қатор ораларига яна бир марта ишлов бериш ниятидамиз. Чунки ҳаммамизнинг ризқу насибамиз шу кунлардаги юмушларни об-тобида ўтказишга боғлиқ эканлигини яхши биламиз.

Маълумотларга кўра, бу йил туманнинг барча хўжаликларида 16900 гектар майдонда ғўзанинг "Ан-Боёвут-2" нави парвариш қилинмоқда. Ушбу нав маҳаллий шароитга мос, серҳосил, толаси эса жаҳон бозорида харидоргир.

— Насиб этса, кузда шу ҳосилдан 40.630 тонналик хирмон яратилади, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Абдухолиқ Жабборов. — Лекин ҳали бажарадиган ишларимиз кўп. Нега деганда, биз "Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги нишонланадиган йилда ҳар қачонгидан сифатли тола етиштириб, барини экспортга сотамиз" дея ният қилганмиз. Шунинг учун ҳар сонияни ғанимат билиб, ғўза парваришини бир зум ҳам бўлса-да, бўшаштирмаяпмиз. Энг муҳими, ҳар бир киши ҳосил тақдири айни пайтда кўрилаётан чора-тадбирларга боғлиқ эканлигини сезиб, ўз зиммасидаги вазифасини виждонан бажармоқда.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

**Ислом КАРИМОВ:**

**Биз қатағон қурбонлари ҳақида гапирганда, уларни ёдга олганда фақат «Шаҳидлар хотираси» мажмуи қад кўтарган Бўзсув соҳилларини эмас, балки Фарғона водийсини, Самарқанд ва Бухорони, Қашқадарё ва Сурхон заминини, Хоразм ва Қорақалпоғистонни, мухтасар қилиб айтганда, бутун Ўзбекистонни аниқ-равшан ўзимизга тасаввур қилишимиз, ҳар бир шаҳар ва қишлоқдан қанчадан-қанча одамлар, аждодларимиз қатағон этилганини унутмаган ҳолда уларни хотирлашимиз даркор.**

# УЛАР ЎН БЕШ НАФАР ЭДИ...

Тўй яхши нарса. Ҳаммамизни тўйга етказсин. Аммо, тадоригини кўраётганимиз тўй — Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами — бутун эл-юртники, 26 миллион халқнинг бошини қовуштирган мамлакатимизники. Бу ўн беш йилда нималарга эришдигу, яна нималар қилаётирмиз?

Бугун бутун юрт бунёдкорлик майдонига айланган. Мамлакатимизда бўлаётган қурилишларнинг санаб адоғига етиб бўлмайди. Қалбим қувончларга тўлади, юрагим ифтихор-ла ура бошлайди...

Инсон қизиқ яратилган ҳилқат. Ҳар қандай тўй, шодиёналарда ўтганларни ёдга олади, уларнинг руҳи шод бўлсин, дея дуога қўл очади. Мен ҳам бу кун етимлигимни билдирмаслик учун жонини ҳалак қилган, оқ ювиб, оқ тараб, оламга ёруғ кўз билан, очиқ кўнгиллик билан қарашни, сабр-қаноатни ўргатган бувигинам Ойтўрахон отинни, боболарим, онам Вазирахонни, шаҳид кетган падари бузрукворим Саид Аҳрорийни ёд этдим.

Отамни эслаганимда, албатта, у киши билан бир кунда отувга ҳукм этилган ўн беш нафар миллий истиқлолчи ёдимга тушади. Булар юртимизни, наинки Ўзбекистонни, балки бутун Туркистонни истибдод зулмидан халос қилишни дилига туккан, дилга тўгиш билан кифояланмай, бу йўлда аввалига чоризм билан, сўнг совет ҳокимияти билан кураш олиб борган Миллий истиқлолчилардир.

Мен ўрганган ҳужжатларнинг далолат беришича, юртимизда мустақиллик учун кураш олиб борган бу яширин уюшма йўлбошчиси халқимизнинг элсевар фарзанди Мунавварқори Абдурашидов бўлган. Чоризм даврида Мунавварқорига қарши борган кураш совет замонида давом эттирилган ва 1929 йилга келиб бу уюшма аъзолари давлат сиёсий бошқармаси тарафидан териб олина бошланган. Ҳужжатларнинг далолат беришича, «Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва бошқалар» деб номланган жиноий иш очилиб, 87 киши устидан жиноий иш қўзғатилган. Бу иш юзасидан олиб борилган тергов якунига кўра шу 87 миллий истиқлолчилардан ўн беш нафари Москвага олиб кетилиб, «Бутирка» турмасига ташланади, тергов қилинади ва РСФСР жиноят кодексининг 58-моддасининг турли бандларини қўшиб отувга ҳукм этилади. Мана ўша қарор кўчирмаси. (Иш рус тилида олиб борилгани учун қарор ҳам рус тилида бўлган).

**Выписка из протокола заседания коллегии ОГПУ (Судебное) от 25 апреля 1931г.**

**ПОСТАНОВИЛИ:**
**1. Мунаввар Кари Абдурашидова**
**2. Салимхан Тилляханова**
**3. Гуляма Икрамова**
**4. Мирхалил Каримова**
**5. Нажмитдин Шерахмедова**
**6. Талибжан Мусабаева**
**7. Асадулла Хужаханова**
**8. Усмонхужа Тухтаходжаева**
**9. Исраилджан Ибрагимова**
**10. Тангрикул Хаджи Максудова**
**11. Хасан Кари Хани**
**12. Зайнитдин Кари Насретдинова**
**13. Мулла Гайбулла Дада Мухамедова**
**14. Абдуллабек Мусабекова**
**15. Саид Абдурашидович Ахрари (менинг отам)**
**РАССТРЕЛЯТЬ.**

Шу йўсин бу ўн беш миллий истиқлолчи отувга ҳукм этилган ва бошқалари ўн-ўн беш йилгача совуқ ўлкаларга қамоқ жазосига бадарға қилинган.

Яна ҳужжатларга асосланадиган бўлсак, бу миллий истиқлолчилардан етти нафари: А. Хўжахонов, И. Иброҳимов, Ҳасан Қори Хоний, З. Насритдинов, М. Дадамуҳамедов, А. Мусабековлар 1931 йилнинг 3 июнида Тошкент шаҳрида отилганидан хабар топамиз.

Халқимизда: «Сидқидилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар», деган нақл бор. Бундан бир неча йил муқаддам миллий истиқлолчилардан яна беш нафарининг қаерда қатл этилгани ва ҳатто қаерга дафн этилганидан дарак топдик. Москвада чиқадиган «Вечерняя Москва» газетаси 1990 йилнинг 6 декабридан бошлаб Москва шаҳрида отиб юборилган, «Ваганков» қабристонига яширинча қўйилганларнинг рўйхатини бериб келаркан. Шу газетанинг 1992 йил 25 май сонида ўзбекистонлик беш нафар миллий истиқлолчилар рўйхати берилган. Улар: Саид Абдурашидович Аҳрорий, Мунаввар Қори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, Тангриқулхожи Мақсудов ва Нажмитдин Шераҳмедовлар... «Миллий истиқлол» шу йўсин қонга ботирилган эди.

Аллоҳнинг иноятида ва истиқлол шарофати билан орадан олтмиш йилдан ортиқ вақт ўтиб биз бу фожиалардан огоҳ бўлдик. Минг шукрки, истиқлолчилар иззати жойига қўйилмоқда. Зеро, улардан айримларининг сўнгги макони қаердалигидан ҳам дарак топдик. Балки улар хокини она диёрга келтириш, она ерга қўйиш ҳақида ўйлармиз?

Ахир зикр этилган оталаримиз бутун кучини, фикри-ўйи ва ҳатто ширин жонини ватанни мустамлакачилик зулмидан озод этиш йўлига тиккан эди. Энди улар ҳурматини жойига қўйиш навбати бизнинг — мустақил юрт фуқаролари зиммасига тушиши, шубҳасиз. Мустақиллик йўлида курашиб, қурбон бўлган юртдошларимиз номини абадийлаштириш ишини бошламоқ ва бу ишни жадаллаштирмоқ жоиз. Ўн беш миллий истиқлолчига қўйилган ҳайкал мустақиллик бизга осмондан тушмаганини, бу йўлда тенгсиз кураш борганини ёдимизга солиб, пойтахтимизда қад кўтарса адолатдан бўларди деб ҳисоблайман. Қолаверса, бундай ёдгорлик — ҳайкал ўрнатилиши юртимизда ҳуқуқий давлат ўрнатилганининг шаҳодати бўлиб, қалбларимизни ифтихор туйғуси-ла мунаввар этгусидир.

***Холида АҲРОРОВА,***
***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.***




**Аждодлар хотираси муқаддас**

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

## Кўргазма

# Ҳақиқат манзаралари

**Тарих ёш авлод учун ахлоқий тарбия ва ибрат манбаидир. Истиқлол йилларида тикланган ҳаққоний ўтмишимиз, аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантирмоқда, онгу шууримизни янгиламоқда.**

Тошкент Фото уйида очилган "Истиқлол фидойилари" номли кўргазма ҳам одамларимизга ибрат бўлгулик тарих ҳақиқатларини ўзида мужассам этди. Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига бағишланган ушбу кўргазма "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ва Тошкент шаҳар давлат архиви ҳамкорлигида ташкиллаштирилди. Унда ўтган аср бошларида миллий истиқлол йўлида жон фидо қилган маърифатпарварлар, ноҳақ сургун қилинган юртдошларимиз тақдирига оид ҳужжатлар ва фотосуратлар намойиш этилмоқда.

— Қатағон қурбонларининг фаолиятини, истиқлол йўлидаги курашлари ва жасоратини кўпчилик ёшлар ҳали яхши билмайди, — дейди профессор Наим Каримов. — Масалан, Беҳбудий 1907 йил ҳукуматга мактуб йўллаб, Туркистон маданий мухторияти лойиҳа ҳужжатини юборган. Унда юртимиз ўзини ўзи бошқариши мумкинлиги ва бунинг маданий, маънавий ҳамда ҳуқуқий асослари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Фитратнинг "Юрт қайғуси" номли туркум мақолаларида, Чўлпоннинг шеърлари ва бошқа кўплаб асарларда миллий истиқлол ғояси уфуриб туради. Бу эса мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси эканлигини, унинг қадрига етиш лозимлигини ёшларимизга уқтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, кўргазмада мавзуга оид архив ҳужжатларининг намойиш этилиши ёшларимиз кўз ўнгида тарих ҳақиқатларини жонлантиради.

**Анвар САМАДОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

Молия вазирлиги ҳузуридаги Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни савдо корхоналари учун белгиланган амалдаги ставкалар асосида ялпи даромаддан ҳисоблаш тартиби жорий этилади.

Фақат шугина эмас. 2006 йил 17 июлда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишининг 03-46-145-сонли баённомасига кўра, тижорат банклари томонидан "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси таркибига кирувчи улгуржи савдо базаларига истеъмол товарларини

# ОШИРИЛАДИ

харид қилиш учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси (14 фоиз) дан юқори бўлмаган ставкаларда 10 миллиард сўм миқдорида кредит ресурслари ҳам ажратилиши белгиланган. Бундай имтиёз ва имкониятлар уюшмага аъзо бўлган база-конторалар ҳамда ҳудудий базаларнинг айланма маблағларини кўпайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва товарларнинг улгуржи баҳосини пасайтиришда муҳим омил бўлади.

**— Зафар Омонович, ниҳоят, сўнгги савол: Сиз бошқараётган янги уюшма жамоаси келгусида яна қанақа ишларни рўёбга чиқармоқчи?**

— Биласизми, шу йил 4 август куни Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда "Республикага четдан товарлар олиб келиш ва сотишни тартибга солиш, ички истеъмол бозорини мамлакат саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш ва маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини рағбатлантириш, улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида"ги масала муҳокама қилинди. Бу йиғилишда қишлоқ ҳудудларида уюшган савдо корхоналарининг фаолияти етарли даражада ташкил этилмагани оқибатида, айниқса, олис чўл зоналари ва бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларга асосий турдаги озиқ-овқат ва истеъмол товарларини етказиб беришда узилишларга йўл қўйилаётгани, уюшмамиз улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий базалари шу кунгача тўлиқ фаолият кўрсата олмаётгани, ишлаб чиқарувчилардан товарларни улгуржи харид қилиш ва уларни савдо шохобчаларига етказиб бериш бўйича шартномавий муносабатларни шакллантириш қониқарли эмаслиги қайд этилди. Биз бундан тегишли хулоса чиқариб, республика ҳудудларида савдо соҳасидаги вазиятни барқарорлаштириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун муайян чора-тадбирларни кўраяпмиз.

Айни кунларда жамоамиз аҳли томонидан шартномалар тузилаётган товар ишлаб чиқарувчилар ва чакана савдо корхоналари доирасини кенгайтириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг муҳим турлари, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисига узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, 2010 йилгача улгуржи базалар сонини 78 тага етказиш, иккинчи босқичда минтақаларда ихтисослаштирилган, туманларда эса универсал базаларни ташкил этиш борасида фаол иш олиб бориляпти.

Маълумки, мамлакатимизда ҳозирча телевидео ва аудио аппаратуралари, уй-рўзғор буюмлари, маиший электр техника воситалари, атторлик товарлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турлари ишлаб чиқарилмаяпти ёки кам миқдорда чиқарилмоқда. Навбатдаги вазифаларимиздан яна бири — ана шу масалани ҳал этиш учун тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари вакилларини бу ишга кенг жалб этиш, улар билан шартномавий алоқалар ўрнатиш, ўз маҳсулотларини реклама қилишда ёрдам бериш, шу орқали уюшган савдо тизимини шакллантирган ҳолда, чакана савдо шохобчалари ходимлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг жипслигини таъминлаш, пировардида истеъмолчиларимиз учун зарур товарларни етказиб беришдир. Ана шунда, ўйлайманки, республикамизга хорижда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг ноқонуний олиб келиниши ҳолатлари барҳам топади.

Ўрни келганда, шуни мамнуният билан таъкидламоқчиман: Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан улгуржи базалар фаолиятини ривожлантириш мақсадида қулай шарт-шароитлар яратиб берилгани нафақат бизни, балки товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни ҳам беҳад қувонтирди. Биз бунга жавобан бундан буён ҳам уюшма таркибидаги барча базалар ва ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда олдимизга қўйилган ҳаётий вазифаларни тўлиқ бажариш йўлида астойдил ҳаракат қилаверамиз.

**Ў. ИКРОМОВ**
**суҳбатлашди.**

---




***Тўйга тўёна билан келиш халқимизга хос бўлган анъана. Мамлакатимиз истиқлолининг 15 йиллиги арафасида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти ҳам байрамга ўзига хос совға тайёрлади — «Мустақиллик» изоҳли илмий-оммабоп луғатни ўқувчиларга ҳадя этди.***

# Нашриёт туҳфаси

Маълумки, мустақиллик ҳаётимизга кўплаб янгиликлар олиб кирди. Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маърифий, илмий соҳалардаги сўз ва ибораларимиз, тушунчаларимиз кенгайди. Бу сўз ва ибораларнинг айримлари билан етарли даражада таниш эмасмиз, уларнинг мазмун-моҳиятини аниқ изоҳлаб бера олмаймиз.

Истиқлолга эришгунимизга қадар мавжуд бўлган мафкура юртимиз, халқимиз, миллатимиз ўтмиши ҳақида етарли билим ва тушунчага эга бўлишимизга йўл қўймасди. Улуғ аждодларимиз, шу Ватан мустақиллиги учун курашган фидойи инсонларнинг ҳаёт йўли тўғрисида узуқ-юлуқ билимга эга эдик. «Мустақиллик» изоҳли илмий-оммабоп луғатининг нашр этилиши ҳаётимиздаги шу кемтикларни тўлдириш йўлидаги қадамлардан бири бўлди.

Мазкур луғат 1998 йилда нашр этилган эди. 2000 йилда у яна қайта чоп қилинди. Лекин ўтган олти йиллик даврда ҳаётимизда янада улкан ўзгаришлар содир бўлди. Хуллас, замон ушбу луғатни яна қайтадан нашр этишни кун тартибиги қўйди. Аввалги нашрларда 220 дан кўпроқ тушунчалар, шахслар, саналар, иборалар, изоҳлар ҳақида маълумотлар берилган эди. Янги нашрдан эса уч юздан кўпроқ тушунчалар, шахслар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган. Хуллас, мазкур луғат билан танишган ҳар бир китобхон юртимиз, элимиз, буюк аждодларимиз тарихи, истиқлол туфайли тилимизга, кундалик ҳаётимизга кириб келган сўзлар, иборалар, тушунчалар ҳақида тўлиқ маълумот олиши мумкин. Луғат 5000 нусхада чоп этилди.

**Ўз мухбиримиз.**



# ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

*Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 19 июнда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Фармонининг эълон қилиниши мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатини қадрлаш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган яна бир хайрли ишлардан бўлди. Унда давлатимиз мустақиляиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиздаги демократик янгилаш ва модернизациялаш, ёш авлод таълим-тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётган ҳамюртларимизни "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" нишони билан тақдирлаш назарда тутилган.*

Истиқлол байрами арафасида юртимизнинг турли ҳудудлари, вазирлик, идора ва ташкилотларида мазкур нишонни соҳибларига тантанали равишда топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Пойтахт ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Буни истиқлол йилларидаги бунёдкорлик ишларининг натижаси ўлароқ қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган азим Тошкент мисолида кўриш мумкин.

"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" нишони билан тақдирланганлар орасида Тошкент шаҳридан ҳам бир гуруҳ фан ва маданият арбоблари, ишчи-хизматчилар, тадбиркор ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари бор. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Олий педагогика институти ўқитувчиси Тоҳира Тошбоева — улардан бири.

— Мамлакатимизда илм-фан ривожи, ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди у. — Президентимиз ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил жорий этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бунинг ёрқин исботидир. Мен истиқлол байрамимиз арафасида давлатимизнинг ана шундай юксак нишонига сазовор бўлганимдан беҳад фахрланаман ва буни мамлакатимизда педагог-ўқитувчиларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунаси деб биламан.

Пойтахтимиздаги Тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бош шифокори Элмира Боситхонованинг фикрича, юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурига биноан амалга оширилаётган эзгу ишлар тобора кенг қулоч ёймоқда.

Кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик шифокорларни янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга ундайди.

Республика Маънавият тарғиботи марказида бўлиб ўтган тадбирда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга доир ишлар тобора долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Марказ мутахассислари ва олимларидан бир гуруҳига "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишонлари топширилди.

Мазкур нишонни топширишга бағишланган тантанали маросимлар мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, вазирлик, идора ва ташкилотларида давом этмоқда.

**(ЎзА).**

## Иттифоқчилик шартномаси — амалда

*2006 йил Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, шу йил 16 августда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив хавфсизлик шартномасига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви ҳам иқтисодий ҳамкорликнинг энг ишончли, энг олий даражадаги ифодаси сифатида баҳоланди.*

# Ҳамкорлик уфқи

— Мамлакатларимиз раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига катта эътибор бераётган бир пайтда қўл қовуштириб ўтиришимиз бизга ярашмайди, деб ўйлайман, — дейди Россия Товар ишлаб чиқарувчилар иттифоқи маҳкамаси раҳбари Николай Малишев. — Анчадан буён ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар, саноатчилар, ишбилармон доиралари вакиллари билан ҳамкорлик қилиш, азалий алоқаларни тиклаш мақсадида эдик. Шундай эзгу тилаклар билан Ўзбекистоннинг қадимий, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ўзига хос сулолалари, аньаналари сақланиб қолган Қўқон шаҳрига ташриф буюрдик.

— Бизнинг ташрифимиз айнан кўҳна ва ҳамиша навқирон Қўқондан бошлангани бежиз эмас, — дея суҳбатга қўшилади Россия Кимёгарлар иттифоқи вице-президенти Юрий Филалеев. — Чунки бу шаҳарда, сармоядорлар тили билан айтганда, ишбилармонлар, тадбиркорларни ўзига оҳанрабодай тортадиган инвестицион жозибадорлик муҳити мавжуд. Оғир ва енгил саноат корхоналари, қурилиш машинасозлиги, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати тизимларининг бир шаҳарда жамланганлигининг ўзи бозор муносабатларини янада кенгайтириш имконияти борлигидан далолат беради. Шу туфайли ҳам, ўз сафида 200 дан зиёд йирик саноат, ишлаб чиқариш корхоналари, инвестиция компанияларини бирлаштирган Россия Товар ишлаб чиқарувчилар иттифоқи бутун нигоҳини Қўқон шаҳрига қаратмоқда.

Қўқон суперфосфат корхонасида бўлган учрашувда эса Юрий Александрович юртимиздаги кимё саноати корхоналари тарихининг яхшигина билимдони эканлиги ҳам аён бўлди. Чунончи, у ўтган асрнинг ўрталарида ушбу корхонада ишга туширилган технологик жараёнлардан ҳамон самарали фойдаланилаётганидан ҳайратда эканлигини яширмади. Ҳатто эски ускуналарни моҳирона бошқараётган қўқонлик мутахассислар ва технологларни ўзи раҳбарлик қилаётган Россиядаги корхонага бажонидил таклиф этишини билдирди. Шу билан бирга, меҳмон эндиликда маънавий эскирган ускуналар билан узоққа бориб бўлмаслиги, ишлаб чиқарилаётган таннархи қиммат, сифати жаҳон андозаларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар бозордан сиқиб чиқарилиши мумкинлиги ҳақида ташвишланиб гапирди. Ва мезбонлар билан россиялик мутахассислар иштирокида корхонани қайта таъмирлаш, замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлаш, энг муҳими, сармоя ресурсларини излаш, пировардида Яқин Шарқ бозорларига маҳсулот чиқариш йўллари ҳақида батафсил фикр алмашди.



Қўқондаги ип йигириш ва пайпоқ тўқишга ихтисослашган «Улуғбек» ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиз енгил саноатининг етакчи корхоналаридан бири ҳисобланади. Бироқ, афсуски, бир пайтлар уч сменада 10 мингдан зиёд ишчи-мутахассислар меҳнат қилган бу корхонанинг цехлари бугун ҳувиллаб ётибди. Бинобарин, унинг бозор талабларига мутлақо жавоб бермайдиган маҳсулотлари ҳам аллақачон касодга учраган.

— Нима, қўқонликлару фарғоналиклар пайпоқ киймай қўйганларми?! — қувлик билан шу корхона ходимларидан бирини суҳбатга тортади «Союзхимэкспорт» компанияси бош директори ўринбосари Юрий Дятлов.

Гап шундаки, ўз вақтида корхонани замонавий ускуналар билан таъминлашга аҳамият берилмагани, эскиларининг эзиб ишлатилавериши оқибатида у банкротлик ёқасига келиб қолди. Пировардида шаҳарнинг азалдан машҳур бозорларини Хитойнинг арзон, сифатсиз, бир марта кийиладиган пайпоқлари эгаллаб олди. Бундай ҳолат билан муроса қилиш мумкинми? Асло! Шу боис ўша куниёқ корхонага янги тайинланган ташқи бошқарувчи билан «Союзхимэкспорт», Волгоград шаҳридаги «Каустик», «Вельмассервис» корпорациялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан ахдлашувга эришилди.

Корхонанинг бош дарвозасидан чиқаверишда эса яна бир қувончли воқеа юз берди: бир кекса ишчи-онахон беихтиёр қўлини дуога очди: «Меҳмонларнинг пойқадами ёқиб, корхонамиз аввалгидай гуркураб ишлаб кетсин!» Бу дил сўзлари меҳмонларга таржима қилиб берилганда, улар ўзларининг ташрифидан асосий мақсад ҳам айнан шу эканлигини алоҳида таъкидладилар.

— Бундан саккиз йил аввал Австриядан келтирилган ускуналар ёрдамида хамиртуриш ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандик, — дейди «Қўқон нон» ҳиссадорлик жамияти раиси Зумрадхон Тўрахўжаева. —Таассуфки, сармоя етишмаслиги туфайли тайёр лойиҳа ижроси чала-чулпа қолиб кетди. Тўғри, ҳозир ярим-ёрти ўрнатилган ускуналар кўмагида қуруқ хамиртуриш тайёрлаяпмиз. Негаки, дунё новвойлари бундай хамиртуришни ишлатишни хуш кўришади. Шунинг учун биз меҳмонлар билан шу лойиҳани ниҳоясига етказиш юзасидан келишиб олдик. Аниқроғи, «Квадро РУ» инвестиция компанияси бизга бир миллион доллар миқдорида сармоя ажратишга ваъда берди. Шу маблағ ҳисобига замонавий технологик ускуналар сотиб олсак, корхонамиз қуруқ хамиртуриш ишлаб чиқарадиган Марказий Осиёдаги ягона корхонага айланади. Ўшанда ўз-ўзидан юртимизда истеъмол қилинаётган Хитой, Эрон, Туркия мамлакатларининг қуруқ хамиртуришларига эҳтиёж қолмайди.

Россия товар ишлаб чиқарувчиларнинг кўҳна шаҳарга ташрифларига кўп ўтмай туриб, амалий ишларнинг натижаси кўзга ташланиб қолди.Меҳмонлар самимий, ўзбекона кутиб олиш, ҳурмат-эҳтиром учун ташаккур билдириб, Қўқон шаҳар ҳокимлигига янги таклифлар билан мурожаат қилишмоқда.Чунончи, «Роспищепром» очиқ турдаги акционерлик жамияти вице-президенти В.Красовский ўз хатида «Қўқон-нон» масъулияти чекланган жамиятида қуруқ хамиртуруш ишлаб чиқарадиган мини заводни сармоя билан таъминлашдан ташқари йилига 18 минг тонна сариёғ ишлаб чиқариш ускуналари ҳам етказиб бериш имкониятлари борлигини билдирган. Шунингдек, жамият Тошкент шаҳрида Россияда тайёрланадиган халқ истеъмоли товарларини сотиш билан шуғулланувчи «Мегамаркет» ҳам очмоқчи. Россия кимёгарлар уюшмаси вакиллари эса сафардан сўнг «Суперфосфат» заводи билан ҳамкорликни амалий ишга кўчириб, қўшма корхона бунёд қилиш ниятида эканликларини билдириб мактуб йўллашган.

Орск шаҳридаги металлконструкция заводи директори А.Храпов ўз хатида Қўқон шаҳар бозорини шарқона услубларини сақлаб қолган ҳолда реконструкция қилиш, ускуналарни ўз корхонасида тайёрлаб бериш, қўқонлик 80-100 нафар ёшларни корхонасида касб ўрганиб маҳоратларини ошириш учун имконият, шарт-шароит яратиб беришга тайёр эканлигини изҳор қилган.

Шундай самимий, амалий ҳамкорликни давом эттириш ҳақидаги таклифлар талайгина. Демак, россиялик товар ишлаб чиқарувчиларнинг юртимизга ташрифи шубҳасиз бу қардош мамлакат саноатчилари билан ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб бераяпти.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

Мустақиллик йилларида ташкил этилган лицейлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган ислоҳотларнинг ёрқин мевасидир. Замонавий ўқув масканларининг барпо этилаётгани, ўқитишнинг янги, замонавий усуллари қўлланилаётгани ана шу меванинг пишиб етилишига имкон яратади.

# Илм мангу қолади

Айни пайтда 400 нафарга яқин ўқувчи таълим олаётган Жиззах Политехника институти қошидаги академик лицей энг сўнгги замонавий техникалар билан тўла жиҳозланган. Лицейда 33 та компьютер, 5 та «видеоглаз», 4 та «проектор», лингафон, бошқа фанлар хоналари мавжуд. Бундай шароитда янги педагогик технологияларни қўллаш, машғулотларни ноанъанавий, ранг-баранг услубларда ташкил этиш, ташаббус кўрсатиб ишлаш имкониятлари туғилиши табиий.



Сўнгги йилларда ўқув даргоҳида ўз фанини чуқур эгаллаган, касбини юксак шарафлай оладиган, изланувчан, меҳнати билан ҳамкасблари орасида обрў топиб, ота-оналар ҳурматини қозонган педагоглар жамлангани эътиборга молик. Физика-математика фанлари номзодлари Абдуҳолиқ Абдусатторов, Рустам Анваров, олий тоифали ўқитувчилар Машҳура Муҳиддинова, Замира Равшанова, Дилфуза Махмурова кабилар шулар жумласидандир.

Кўплаб ўқувчилар дарсдан кейинги тўгарак машғулотларини орзиқиб кутишади. Фан соҳалари бўйича уюштириладиган танлов, мусобақаларда иштирок этишади. Шу асно да Фан олимпиадаларига ҳам пухта ҳозирлик кўришади. Натижалар эса кутилганидан ҳам зиёда: биология фанидан Республика олимпиадасида қатнашган Улуғбек Мелиев пойтахтда ҳам биринчиликни эгаллади. Шоҳида Мўминова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиб, ҳозир Ўзбекистон Миллий университети талабасидир. «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида ўтказилган Республика расмлар танловида иштирок этган Комила Ҳасанова асарлари бетакрорлиги билан эътироф этилди. Элёр Эргашев ўтган ўқув йилида Швейцария давлати грантини қўлга киритди. Энди у ушбу мамлакатда ўқишни давом эттиради.

Маълум бўлишича, академик лицейни битирган ўқувчиларнинг 75-80 фоизи олий ўқув юртларида таҳсил олишаяпти. Таълим жараёни Давлат Таълим Стандартларига мос равишда, пухта ташкил этилгани боис бу кўрсаткич йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Жорий йилда жамоанинг яна бир катта муваффақияти Республика бўйича ўтказилаётган «Ўйла, изла, топ!» интеллектуал телемусобақасида намоён бўлди. Финалгача бўлган беллашувлар жараёнида қатор мусобақалар совриндори бўлиб келган Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей жамоаси билан беллашган жиззахлик ёшлар ғалаба қозонди.

Лицей директори, физика фанлари номзоди Хидир Сатторовнинг таъкидлашича, ҳар бир ўқитувчининг, педагогнинг ҳақиқий илми, меҳнат натижаси ўз ўқувчиларининг билимларида, уларнинг Фан олимпиадаларида ҳамда олий ўқув даргоҳларига топширган тест синовларида ўз аксини топади. Демакки, устозларга талабнинг ижроси аниқ мезонлар билан ўлчанади. Шунга қараб баҳоланади. Шунингдек, ҳар бир ўқувчи сиймосида кичик олимларни кўргим келади. Улар режадаги кундалик дарсларни тўла ва пухта ўзлаштиришдан ташқари, ўқитувчилари ёрдамида илмий фаолият билан шуғулланишлари лозим, — дейди директор. — Бусиз ўқувчиларимизнинг умумтаълим мактабларидаги аълочи ўқувчилардан фарқи сезилмай қолади.

Ўтган ўқув йили мен Жиззах политехника институтида ташкил этилган «Талаба ва илмий техник тараққиёт» мавзусидаги конференцияда қатнашгандим. Ўшанда институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар академик лицей ўқувчилари томонидан тайёрланган 18 та мақола хусусида ижобий фикр билдирдилар. Лицей ўқувчиларининг институт талабалари даражасида мушоҳада қилишлари, мулоҳаза юритишлари, илмий изланиш йўлидаги ҳаракатлари барчага манзур бўлди. Яна бир эътиборли томони, институт номидан ўз мақолалари билан қатнашган талабаларнинг аксарияти академик лицейни турли йилларда битириб кетган йигит-қизлар эди. Айни пайтда институт раҳбарияти томонидан жорий этилган 3 та махсус стипендиянинг барча совриндорлари ҳам лицейнинг собиқ ўқувчиларидир. Дарвоқе, мана шундай юксак натижалар эвазига институт ректорати ҳар йили академик лицей ўқувчиларига 5-6 та стипендия таъсис этаяпти.

Яхши ишлаганларни рағбатлантириш, ташаббусларини оммалаштириш фақат эзгуликка хизмат қилади. Яқинда бўлиб ўтган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тақдимотида лицейнинг педагогик жамоаси «Энг намунали» сифатида қайд этилди. Жамоанинг 7 нафар аъзоси республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочисидир.

Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги бу унинг ёшларидир. Ёшларимизнинг ҳаёти, уларнинг турмуш тарзи қай даражада эканлиги ва қандай бўлиши лозимлигига давлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралаяпти. Қувончлиси, республика раҳбариятининг иқтидорли ёшларга бўлган эътибори йилдан-йилга ортмоқда. Билимли, ташаббускор йигит-қизларимизнинг жаҳонга юз тутишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Инсон доимо яхшиликка, яратувчанликка интилиб яшайди. Академик лицей жамоаси учун келгуси йил бошида қуриб битказиладиган муҳташам бинонинг фойдаланишга топширилиши ҳақиқий байрам бўлади. Академик лицейга ҳар йилгидан икки баробар кўп иқтидорли ёшлар қабул қилинади. Замонавий спорт зали, ошхона, кутубхона, ётоқхона қўйингки, яхши ўқиш ва уқиш эҳтиёжлари муҳайё этилади. Бу эса жамоани янги-янги ютуқларга даъват этиши шубҳасиз.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
15 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Жисмоний шахсларга «СОВҒА»
деб аталган янги турдаги қисқа
муддатли омонатни таклиф этади.

*Омонатни сақлаш муддати — 90 кун.*

*Омонат бўйича фоиз ставкаси — йилига 24%.*

*ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ 2006 ЙИЛ*
*25 АВГУСТДАН 5 СЕНТЯБРГА*
*ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.*

*Қўйилманинг энг кам суммаси — 300 000 сўм.*
*Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.*

Ўз жамғармаларини бошқаришни бизга
ишониб топширувчиларнинг фаровонлиги
учун ўзимизни масъул деб биламиз!

Қўшимча ахборотни 135-42-83, 134-14-14
рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг ҳар
қандай бўлим/филиалларидан олиш мумкин.
www.nbu.com


## «АСАКА» банки:

# КИЧИК БИЗНЕС ҚЎЛЛАБ - ҚУВВАТЛАНМОҚДА

***Банклар олдига қўйилган асосий вазифалардан бири — кичик бизнес субъектларини молиялаштиришда давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Жорий йилнинг 7 ойи давомида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 18,6 млрд. сўмдан ортиқ миқдорида кредитлар ажратилганлиги ва берилган кредитлар орқали 11 302 та янги иш ўрни яратилганлиги бунинг яққол исботидир.***

Бунда, айниқса, Осиё Тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан ажратилаётган кредитлар бир қанча имтиёзлари мавжудлиги билан тадбиркорларга ҳар томонлама маъқул тушмоқда.

«Асака» банки томонидан мазкур микрокредитларнинг ажратилиши «Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш» Осиё Тараққиёт банкининг лойиҳаси бўйича келишувга асосан амалга оширилмоқда. Ушбу кредит линияси бўйича «Асака» банк орқали 15,0 млн. АҚШ доллари эквивалентидаги лойиҳаларни микромолиялаш режалаштирилган. Бугунги кунда банк филиаллари томонидан асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналар ва улар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар сотиб олишга, маҳаллий хомашё негизида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик фаолиятини олиб бориш ва маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга 3 йилгача бўлган муддатларда кредитлар ажратилмоқда.

Осиё Тараққиёт банки кредит линияси маблағларидан фойдаланиш афзалликларини тадбиркорларимиз жуда тез тушуниб етмоқдалар. Айрим мижозлар эса лойиҳани амалга ошириш бошлангандан буён 2-3 марта мазкур кредит линияси маблағларидан фойдаланишга эришдилар. Масалан, банкимизнинг Қўқон филиали мижози «Самтрон» МЧЖга 2005 йилда антифриз маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида технологик ускуна сотиб олиш учун 30,0 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган эди. Мазкур корхона кредит ҳисобига олинган технологик ускуналарни ўрнатган ҳолда, ишлаб чиқаришни ташкил этиб, импорт ўрнини босувчи антифриз маҳсулотлари билан маҳаллий бозорни таъминлаб келмоқда. 2006 йилнинг 1-чорагида олинган кредит маблағлари мижоз томонидан муддатидан олдин қайтарилиб, корхонанинг буюртманомаси ва янги бизнес-лойиҳасига асосан, «Самтрон» МЧЖга антифриз ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун янада йирикроқ кредит ажратилди. Бу корхонага янги маҳсулотлар турларини ўзлаштириш ва 10 та қўшимча иш ўрни яратиш имконини берди.

Шайхонтоҳур филиали мижози — хусусий тадбиркор Х.Раҳимов эса икки йил ичида 3 марта жами 55,0 миллион сўмлик банк кредит маблағларидан фойдаланиб, нон ва нон маҳсулотлари савдосини ташкил этди. Ушбу тадбиркор олдин олинган 2 та 40,0 миллион сўмлик кредитни эса муддатидан олдин қайтаришга улгурди.

Шунингдек, Қўқон филиали мижози «Рўзматжон ота» хусусий фирмасига момиқ сочиқлар ишлаб чиқариш учун 30,0 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, Сирдарё филиали мижози «Сирдарё Принт» МЧЖга полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 12,0 миллион сўм, Фарҳод филиали мижози хусусий тадбиркор Азизбек Жўраевга нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 10,0 миллион сўм кредит маблағлари берилди. Бундан ташқари мазкур филиал томонидан хусусий тадбиркор Жалилов Маҳмудга кийим-кечак (болалар учун қишки кийимлар) ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 10,0 миллион сўм, Қорақалпоғистон филиалининг мижози — хусусий тадбиркор «Кишкене кум» фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги техникаси, яъни трактор сотиб олиш учун 30,0 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Бундай тадбиркорлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

Осиё Тараққиёт банки кредит линияси маблағларидан фойдаланиш орқали тадбиркорларимизда янгича иш юритиш кўникмалари, самарадор бизнес-лойиҳаларни ишлаб чиқиш тажрибалари ва бизнесни бошқаришнинг илғор услублари шаклланмоқда.

Бугунги кунгача банкнинг ўз маблағлари ва Осиё Тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан жами 7,7 млрд. сўм миқдоридаги 771 та кредит лойиҳаси молиялаштирилди. Бунда ОТБ кредит линияси маблағларининг ҳиссаси 4,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки келгусида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатаётган банк хизматлари турларини кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш ва кредит маблағларининг ҳажмини ошириш, шу орқали республикамиз аҳолисини иш билан таъминлаш бўйича самарали ишларни жадал суръатларда давом эттираверади.

**Банк матбуот хизмати.**


«Олмалиқ
тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ
жамоаси
Ўзбекистон халқини
республикамиз
Мустақиллигининг
15 йиллик
байрами билан табриклайди,
ҳаммага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик
ва осойишталик тилайди!


Congratulations on 15th Anniversary
of Uzbekistan Independence
Shindong
Seoul, Korea—Tashkent, Uzbekistan, Tashkent office
Tel: (998 712) 546449, 549871. Fax: (998 712) 550458
e-mail: sdtash@dostlink.net

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

КЕЛАЖАКНИ БИРГА ҚУРАЙЛИК!

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга ўзларининг беқиёс ҳиссасини қўшиб келаётган юртимиз тадбиркорларини

**Истиқлолимизнинг 15 йиллик шодиёнаси билан қутлайди!**

Барчангизга соғлиқ-саломатлик, оилавий осойишталик, гуллаб-яшнаётган юртимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда қут-барака тилайди!

FUND FORUM. UZ

**“ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ” ЖАМҒАРМАСИ БАРЧА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИ РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ.**

- ”Навқирон Ўзбекистон” анъанавий ва замонавий санъат фестивали;
- Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури;
- Таълим гранти дастурлари ;
- “Янги авлод” болалар ижоди фестивали;
- ”Келажак овози” республика ёшлари танлови

ҒОЛИБЛАРИГА ОМАД ВА ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!

келажак овози

*ТИНЧЛИК , БАХТ ВА БАРЧА ЭЗГУ НИЯТЛАР СИЗГА ҲАМРОҲ БЎЛСИН!*

TRAST BANK

# «Трастбанк»

*раҳбарияти, жамоаси ўзларининг акциядорлари ва мижозларини, шерикларини ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг барча аҳолисини*

**Истиқлолнинг 15 йиллик байрами**

*билан чин дилдан муборакбод этади!*

***Биз ҳаммага фаровонлик ва муваффақият, ҳар бир хонадонга тинчлик ва осойишталик тилаймиз. Бошлаган барча ишингизда хайр-барака ва бизнесингизда омад ёр бўлсин!***



**Байрам шарафига «Трастбанк» аҳолига янги депозитни таклиф этади: йилига 22% тўлов билан «Истиқлол» муддатли омонати. Омонатнинг амал қилиш муддати — 90 кун.**




**«Трастбанк»: биз билан биргаликда омадлилар қаторига қўшилинг!**

Қўшимча маълумотларни сиз қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 144-76-22, 144-76-24, 367-06-33, 360-23-63.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ —

ХАЛҚ БАНКИ

барчангизни республикамиз

Мустақиллигининг 15 йиллик байрами билан

самимий муборакбод этади!



Сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, оилангизга фаровон ҳаёт ва Истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват тилаган ҳолда,

«ИШОНЧ» ва «БАРАКА»

сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.



Мазкур пластик карточкалар орқали савдо муассасалари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз ҳамда исталган вақтда нақд пул олишингиз мумкин.

Пластик карточка соҳиби ўз маблағлари дахлсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, банк фоизи ҳисобига қўшимча даромад олиш имкониятига эгадир.

ХАЛҚ БАНКИ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ — БУ СИЗНИНГ КАФОЛАТЛАНГАН ҲАМЁНИНГИЗДИР!

3099R/1541

BRITISH AMERICAN TOBACCO
UZBEKISTAN

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

«Сифатни бошқариш ISO-9001» совриниcоҳиби — «Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон» компанияси республика халқини Мустақилликнинг 15 йиллик байрами билан табриклайди!

Мусаффо осмон, тўкин-сочинлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

«Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси

барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз —

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги билан

самимий муборакбод этади!



Азиз ватандошлар!

Ҳамма-ҳаммангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, бунёдкорлик ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!

Истагимиз шуки, Ўзбекистон номи бахт ва эзгулик диёри сифатида дунёга таралаверсин!

Жонажон юртимиз гуллаб-яшнасин, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Мамлакатимиз нефть саноатининг тўнғич ва бош корхонаси —

# ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

бутун Ўзбекистон халқини, турдош корхоналар жамоаларини, ишчи-хизматчиларини, энг азиз, энг улуғ байрам — мамлакатимиз

## Мустақиллигининг 15 йиллиги

билан

чин дилдан муборакбод этади.









*Истиқлол йилларида корхона чин маънода қайтадан туғилди. Маънавий жиҳатдан эскирган ускуналар нефть саноатининг энг замонавий қурилмалари, асбоб-ускуналари, дастгоҳлари билан қайтадан реконструкция қилинди.*

*Бу ўз самарасини берди. Завод нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёва яқин Шарқда соҳанинг замонавий, энг йирик корхонасига айланди. Эришилган ютуқлар куни кеча нефтчилар шаҳарчасида, 20000 киши иштирок этган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтган байрам тантаналарида ҳам алоҳида таъкидланди.*




Ўзбекистон-Германия
«САВДОГАР»
акциядорлик тижорат банки

SAVDOGAR BANK

юртимиз халқини мамлакатимиз
Мустақиллигининг 15 йиллиги билан
самимий муборакбод этади
ва «МУСТАҚИЛЛИК» ҳамда «ШОДИЁНА»
деб номланган қисқа муддатли омонат
турларидан фойдаланишни таклиф қилади.

**Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 21 август — 15 сентябрь кунлари 90 кун муддатга қабул қилинади ва йиллик 21 фоиз миқдорида устама тўланади. Шу билан бирга, доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз:**

| Омонат тури | Муддати | Йиллик фоиз | Бошланғич бадал (сўмда) | Асосий шартлари |
|---|---|---|---|---|
| «Истиқлол» | 90 кун | 21% | 200 000 | Маблағ 10 июлдан 10 сентябрга қадар қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади. |
| «Шодлик» | 60 кун | 20% | 100 000 | Маблағ 10 июлдан 1 сентябрга қадар қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар бир ойлик ҳисобида олдиндан тўланади. |
| «Эгасининг номи кўрсатилмайдиган» | 1 ойдан кам бўлмаган муддатга | 20% | 100 000 | Ҳисобланган фоизлар омонатчига маблағ қўйилган куни аванс тариқасида, 1 ойдан ошмаган муддат учун берилади. |
| «Фаровон ҳаёт» | 1 ой | 16% | 10 000 | |
| Талаб қилиб олингунча | 1 ойдан кам бўлмаган муддатга | 5% | | |

**Омонатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизларни ўз мижозларимиз қаторида кўришдан мамнунмиз!**

**Мурожаат учун телефонлар: 361-30-29, 54-18-65.**

**Шунингдек, вилоят ва туман бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин.**

**«САВДОГАРБАНК» ОИЛАНГИЗГА ОМАД КЕЛТИРСИН!**



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
# «ПАХТАБАНК»И

ўз акциядорлари ва мижозларини, барча юртдошларимизни йил сайин ривожланиб, тараққий топаётган мамлакатимиз

## МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ

билан самимий муборакбод этади!



Шу билан бирга, «Пахтабанк» Сиз, азизларга ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги бошқармалари, 187 та туман филиали ва 640 та мини банки орқали миллий ҳамда чет эл валюталарида барча замонавий банк хизматларини таклиф этади!

Соғлиқ, оилавий бахт ва муваффақиятлар доимо ҳамроҳингиз бўлсин! Сизларни мижозларимиз орасида кўришдан бағоят хурсандмиз!

**«ПАХТАБАНК»**
**фаровонлигингиз калитидир !**

31579/1208



ABN·AMRO

# АБН АМРО БАНК МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж.

меҳнатсевар ва меҳмондўст
Ўзбекистон халқини буюк байрам –
**Мустақиллик куни билан**
чин қалбдан муборакбод этади!

Барчангизга оилавий
бахт-саодат,
фаровонлик ва мустаҳкам
саломатлик тилаймиз!



# "Ўзэлектроаппарат-Электрощит Самара"

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз
Мустақиллигининг 15 йиллиги –

Энг улуғ, энг азиз байрам билан юртдошларимизни самимий қутлайди. Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳамманинг эзгу-ниятлари амалга ошишини тилайди.



Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олган юртимизнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлиқ остидаги товарларимизнинг дунё бозорларида ўз ўрни бор. Ниятимиз мамлакатимизнинг мавқеи бундан-да ошсин, Оллоҳ уни ёмон кўзлардан асрасин.

**Мустақиллигимиз абадий бўлсин!**

3199К/1841

TURON BANK

АТ «Туронбанк»

Ўзбекистон фуқароларини
улуғ айём —
мамлакат Истиқлолининг
15 йиллиги
билан қутлайди!

Ҳар биримиз ўз меҳнатимиз, эзгу саъй-ҳаракатларимиз билан улуғ неъмат — Мустақиллигимизни асраб-авайлашимиз ва Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишимиз даркор.
Сизга саломатлик, тотувлик ва омад тилаймиз!



**Туронбанк янги «Шодиёна» омонатини таклиф этади!**

Омонатга пул маблағлари **йиллик 24%** шарти билан камида 50 000 сўм миқдорида **5 ой муддатга** жорий йилнинг 25 августидан 15 октябригача қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефонлар: 144-01-95, 144-32-52.**

HERITAGE CENTRAL ASIA
HCA
AUSTRALIA
НАСЛЕДИЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Heritage Central Asia

ташкилотининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси
бутун Ўзбекистон халқини
Мустақилликнинг
15 йиллиги билан
чин қалбдан табриклайди.

**ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ «ЗОКИР ОҚСОҚОЛ» ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ**

15

халқимизни Мустақиллигимизнинг
15 йиллик байрами билан
чин кўнгилдан
муборакбод этади.



Корхона мустақиллик йилларида барпо бўлаётган бири-биридан кўркам бино ва иншоотларга ўз ҳиссасини қўшган ҳолда ўзи ишлаб чиқараётган тош ва мармар плиткаларни таклиф этади.
Қурилиш ва пардозлаш ишларида ўз кўмагини аямайди.

**Мурожаат учун телефонлар: 8371 119-39-12, 344-38-02.**

Ҳурматли юртдошлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

**«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ**

2006 йил 22 августдан бошлаб

**ТОШКЕНТ — УРГАНЧ — ТОШКЕНТ**

йўналиши бўйича қўшимча йўловчи поезди ҳаракати бошланганини Сизларга маълум қилади.

| Поезднинг ҳаракатланиш жадвали | Жўнаб кетиш | Етиб бориш |
|---|---|---|
| № 56 Тошкент — Урганч | сешанба 17.40 | чоршанба 13.05 |
| № 55 Урганч — Тошкент | чоршанба 14.45 | пайшанба 09.25 |



Қўшимча маълумотни Марказий темир йўл агентлигининг Тошкентдаги қуйидаги телефони орқали олиш мумкин: **199-76-27.**

Хизматлар лицензияланган.

**«ШЎРЧИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»**
**ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ**

Республикамиз
фуқароларини
Мустақиллигимизнинг
шонли 15 йиллик тўйи
билан муборакбод этади.



Мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришувида жамиятнинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлди. Корхона тегирмонларида ишлаб чиқарилаётган сифатли ундан кунига бир миллиондан кўп нон ёпиш мумкин.

Дастурхонларингиз нонга тўлиб, ризқу насибангиз ҳамиша бутун бўлсин, азиз Ватандошлар!



# ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Мана, ўн беш йилдирки, Ўзбекистон аталмиш муқаддас юртимиз мустақиллиги байрамларини дил-дилдан қувониб қаршилайман. Чиндан ҳам, кўп даврлардан буён энтикиб-энтикиб кутилган мустақиллик аталмиш неъматни ким ҳаяжонга тушмай, қувонмай қаршилаши мумкин.

## Биз кутган замон

Биз эришган ҳурриятнинг ўн беш йиллик байрами арафасидаги бир воқеа мени ва кўпдан-кўп дўстларимни беҳад қувонтириб юборди. Тўғри, мен кўп йиллик фаолиятим давомида унча-мунча ижодий қувончларни кўрганман. Лекин, бу галгиси айрича, аниқроғи, ҳаётимда энг муҳим воқеа бўлиб қолиши муқаррар. Менинг камтарин ижодим Юртбошимиз томонидан юксак баҳоланди.

Кези келганда бир гапни айтиб ўтгим кеб қолди. Каминангиз деярли қирқ йил даврий матбуотда фаолият кўрсатган. Анави замонларда бу соҳа уқубатларини кўп тотган эдим. Йилларим ҳайфсан олиш, ишдан ҳайдалиш хавфи билан ўтарди. Кўнгилдаги гапларни ёзиш пешонага битмаганидан қаттиқ ўксинардим.

Истиқлол йилларида шахсан Юртбошимизнинг ўзи қалам аҳлларини жасорат кўрсатишга даъват этди, руҳлантирди. Қаламнинг кучини кўрсата биладиган йиллар келди. Айни шу замонда юртимизда амалга оширилаётган буюк мўъжизавий ишлар, ҳамма жабҳалардаги улуғвор қадамлар, ажойиб бунёдкор одамлар меҳнатларини тасвирламаслик мумкин эмас деб ўйлайман.

**Охунжон ҲАКИМ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## ДУНЁ КЎРИБ, ДУНЁЛАР ЯРАТГУМ



— Яқиндагина Германияга қилган бир йиллик сафарим ниҳоялаб, юртга қайтдим. У ерга "AUPAIR" агентлиги бўйича синов имтиҳонларини топшириб, "Немис тили ва маданиятини ўрганиш" курсида ўқиш учун кетгандим. Менга ҳомийлик қилган оилада бир йил яшаб, шунга амин бўлдимки, ота-онам берган тарбия бесамар кетмабди.

Чунки немислар шундай халқки, муомалангизга яраша жавоб қайтаришади. Агар киришиб кетмасангиз, билим ва дунёқарашингизнинг кенглигини намоён этиш билан бирга одамийлик, хушмуомалалик фазилатларингизни ҳам кўрсата олмасангиз, улардан яхши муомала кутманг, ўқишнинг ярмига бормай ҳам шартномани бекор қилишлари мумкин.

Мақтанишмас-у, Германияда «оила аъзоларим»га худди ўз яқинларимдек муносабатда бўлганим, маданиятим уларга маъқул келди. Буни "оиламдагилар" кўп бора таъкидлашди. Менга ўз фарзандларидек меҳрибонлик қилишди. Франция, Париж, Италия каби давлатларга саёҳатга бордик (ваҳоланки, шартнома бўйича улар мени олиб боришга мажбур эмасдилар. Чунки бу ҳам анчагина чиқим дегани. Европа томонларида биров учун кўнгилдан чиқариб бирор яхшилик қилиш ноёб ҳолат). Дунёнинг энг йирик музейларидан бўлмиш "Лувр"га борганимда, чунонан қувондимки, "Мона Лиза" портрети ёнида туриб, кўнглимдан ажиб ҳиссиётлар ўтди. Давлатимнинг менга грант асосида ўқиб, чет тилларини мукаммал ўрганишим учун яратиб берган имкониятлари туфайли шу кунларни кўришга муваффақ бўлдим, дея ич-ичимдан қувонардим. Ҳаракатларимнинг, ўқиб-изланганларимнинг зое кетмаганига амин бўлдим.

Менга ҳомийлик қилувчи оилага борганимда дастлаб интернетда ишлашим чекланган эди. Бир ойлар вақт ўтгач хонадон соҳиби Николас менга интернетдан соатбай эмас, балки кечаю кундуз бемалол фойдаланишимга шароит яратиб берди. "Энди интернетдан бехавотир, тортинмасдан фойдаланавер. Бу сенинг бизга ёқиб қолганинг туфайли, сени узоқ мамлакатга ишониб жўнатган ота-онанг ишончига гард юқтирмаганинг, ватанингга бўлган муҳаббатинг учун сенга тортиқ этган совғамиз", деб қўшиб қўйди.

Очиғи Германияда Украина, Россия, Қозоғистон каби мамлакатлардан ҳам тенгдошларимиз ўқишарди. Улар билан солиштирганда, доимо энг юксак ҳурмат ва юқори баҳо биз — ўзбекистонлик талабаларга берилларди.

Мақсадим — мутахассислигим бўйича ўқитувчилик фаолиятимни давом эттириб, элга нафи тегадиган шогирдлар тайёрлаш. Жаҳон тажрибасидан ўрганганларимни улар тарбияси учун қўлласам, ҳақиқий маънода ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларни етиштириб берсам, буюк келажак қуриш йўлидаги бурчимни адо этган бўлардим.

**Дилором РАШИДОВА.**
**Наманган вилояти.**

*Спорт*

**Хоразм вилоятининг чекка туманларидан бири — Боғотда сўнгги вақтларда спорт майдонларида ёшларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида бот-бот гапирилаяпти. Хўш, бу муваффақиятларнинг сири нимада?**

## Боғотлик ёш чемпионлар



— Спортда оммавийликни таъминлаш муваффақиятларга олиб келади, — дейди туман марказий маданият уйи директори С. Саидмаматов. — Шунинг учун асосий эътиборимизни жойларда ана шу омилга қаратаяпмиз. Бугун спорт мактаб-интернати қошидаги 10000 нафар томошабинга мўлжалланган марказий стадион, Хўжалик қишлоғида бунёд этилган болалар спорт мажмуаси, Қипчоқ, Қулонқорабоғ, Деҳқонбозор қишлоқлари ва мавжуд мактаблардаги спорт мажмуаларида барча имкониятлар яратилган. Лекин имконият бўлгани билан қизиқиш бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Шунинг учун биз тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтираяпмиз. Бугун бу ўз самарасини бера бошлади. Вилоят ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда боғотлик ёшлар орасидан чемпионлар етишиб чиққани шундан далолат беради.

Маълумки, от спорти оммавий спорт тури ҳисобланса-да, кўп маблағ талаб қилганлиги учун айрим жойларда етарли ҳафсала қилишмайди. Бироқ, тумандаги Ш.Собиров раҳбарлик қилаётган «Малика» фермер хўжалиги аъзолари бундай қараш хато эканлигини исботлашди. Хусусан, ҳозир бу ерда 25 бош зотдор от боқилмоқда. 10-14 апрель кунлари эса вилоятда от спорти бўйича «Туркистон юлдузи» турнирининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Хоразм ва Тошкент вилоятлари, Қозоғистон ва Тожикистондан келган номдор чавандозлар ўз омадларини синаб кўрдилар. Мусобақада туман вакиллари Азиз Бекиев, Умрбек ва Сайфиддин Кутжоновлар ҳам иштирок этишди. Бухоро вилоятида якунланган турнирнинг охирги босқичида Сайфиддин Қутжонов олтин, Умрбек Қутжонов кумуш, Азиз Бекиев эса бронза медалини қўлга киритишга муяссар бўлдилар.

> Аўнда сўз
>
> *Соврин — зўрники, соғлиқ — кўпники*

Қувонтирадиган томони шуки, боғотлик хотин-қизларнинг спорт мусобақаларида эришган муваффақиятлари ҳам салмоқли бўлаётир. Яқинда Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган II Аёллар спартакиадаси дастуридаги шахмат мусобақасида Лайло Сетимова совриндорлар сафидан ўрин олган бўлса, Навоий вилоятида ногирон спортчилар ўртасида ўтказилган халқаро махсус олимпиада ўйинларида эса 92-мактаб-интернатнинг «Умид» қизлар жамоаси биринчи ўринни олди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари— 2006» мусобақаларининг республика босқичида ҳам туман ёшлари яхши натижаларга эришдилар. Жумладан, кураш бўйича баҳсларда Жавлон ва Камол Машариповлар, волейбол бўйича Сардор Раҳимов, сузишдан Барно Ботирова Хоразм вилояти шарафини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Айниқса, 1-спорт мактаби ўқувчиси Нодир Жуманиёзовнинг ғалабаси барчани хушнуд этди: у самбо кураши бўйича фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Тумандан етишиб чиққан совриндор спортчилар номини яна узоқ давом эттириш мумкин. Муҳими, бугунги кунда ана шу ёшларнинг спортда эришган ютуқлари уларнинг бошқа тенгдошларини ҳам илҳомлантирмоқда. Спортчилар сафи тобора кенгаяётгани, ёшлар жисмоний тарбия ва спортга ошно тутинаётгани кишини қувонтиради. Айтайлик, тумандаги биргина 2-спорт мактаби секцияларига қатнашаётган ёшларнинг сони 500 нафарга яқинлашиб қолганлиги бунинг исботидир. Тумандаги спорт мактаб-интернатида эса 200 нафардан ортиқ ўқувчи ёшлар спортнинг футбол, миллий кураш, дзюдо каби турлари билан шуғулланиб, вилоят, республика мусобақаларида ғолибликни қўлдан бермай келмоқдалар. Улар орасидан республика ёшлар терма жамоалари аъзолари етишиб чиқмоқда.

Албатта, юқорида таъкидлаганимиздек, ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит, имконият яратиб берилгани боис ана шундай ижобий натижаларга эришилмоқда. Масалан, тумандаги спорт иншоотлари «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури»га мувофиқ мактаблар ҳудудида ёки уларга яқин жойларда қурилган ва қурилмоқда. Уларнинг барчаси зарур спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланган. Бу омил болаларнинг спортга бўлган қизиқиши ортишида, жисмоний тарбия дарслари ҳам талаб даражасида ташкил этилишида қўл келмоқда.

Кўриниб турибдики, Боғот туманида спорт соҳасида айтишга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Демак, Боғотдан ҳам яқин йиллар ичида халқаро миқёсдаги мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Истиқлол ёшлар учун, айниқса, муҳимдир. Чунки, ушбу улуғ неъмат бизларга ғурур бағишлади, улкан имкониятлар эшигини очди. Эндиликда ёш авлод келажакка катта ишонч ва Ватанимиз тараққиёти учун бор кучини сарфлаш туйғуси билан яшамоқда.***



## Ватан юракларда мавжлансин

Мамлакатимиз аҳли, ҳукуматимиз биздан бу борада амалий ишларни кутаяпти. Шуни тўлиқ англаган ҳолда, кенгаш аъзолари билан биргаликда жойларда мустақил ҳаётимизнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш борасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Таъкидлаш лозимки, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ногирон ёшларга эътибор янада кучайди. Ҳозирги кунда бизда рўйхатга олинган 52 нафар ногирон боланинг ўксик кўнгилларини кўтариш, уларни зарур дори-дармонлар, ногиронлик аравачалари, ўқув қуроллари ва китоблар билан таъминлаш бўйича доимий назорат ўрнатилди. Бундан ташқари, уларнинг музейлар, кутубхоналар ва дам олиш масканларига боришларини таъминлашда мутасадди ташкилотлар ва ҳомийлар билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Спорт ҳар қандай давлатни дунёга тез танитади. Спортда эришилган ютуқлар эса ҳар бир ёшда юртига бўлган муҳаббатини оширади, қалбларда истиқлол туйғусини мустаҳкамлайди, юрак меҳварларида Ватан туйғусини баралла мавжлантиради. Шу боис шаҳримизда миллий қадриятимиз — кураш, футбол, бокс, армрестлинг федерациялари билан ёшларимизни спортга жалб қилиш борасида ҳамкорлик самара бераётир.

Айтиш лозимки, шиддат билан ривожланаётган мамлакатимизнинг дўстлари кўп. Лекин юртимиздаги буюк ўзгаришлар, тараққиётимизни кўролмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Мана шундай ғаламислар ўз қора ниятларини амалга ошириш учун, авваламбор, ёшлар онгини заҳарлашга интилишади. Улар бунда барча имкониятларини, жумладан, ахборот хуружларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилишади. Шу боис юртимиз ёшлари ана шундай қора кучлар қўйган тузоқларга илиниб қолмаслиги учун жуда эҳтиёт бўлишлари талаб этилади. Шунинг учун биз шаҳримизда ва қўшни туманларда келажак авлод вакилларини ана шундай хуружлардан воқиф этиш, интернет ва бошқа юқори технологиялардан онгли фойдаланишда ҳам яқиндан кўмак беришга интилаяпмиз.

**Жамшид НОСИРОВ,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси.**



## Байрам барчамизники

Мирзо Улуғбек туман ички ишлар бошқармасида мустақиллик байрами олдидан тадбир бўлиб ўтди. Ибн Сино халқаро жамғармаси ва туман ИИБ ҳамкорлигида шу ҳудудда истиқомат қилувчи, диний экстремистик гуруҳларга аралашиб қолган ва халқ осойишталигига раҳна солгани учун жазога маҳкум қилинганларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилди.

— Диний оқимга адашиб кириб қолганларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади, — дейди туман ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўйича ўринбосари И.Исломов. — Тўғри, улар халқ нафратига дучор бўлиб, озодликдан маҳрум қилинди. Лекин маҳкумларнинг оила аъзоларида айб йўқ. Улар ҳолидан хабар олиш эса халқимизга хос одат. Туманимиздаги 23 та оилани байрам билан қутлаб, улар ҳолидан хабар олишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Дарҳақиқат, халқимиз бировнинг бошига тушган ташвишга ҳамиша ҳамдард. Бу юртда бировни жиноятчи оиласидансан, деб кўксидан итаришга ҳеч кимнинг виждони ҳам, ори ҳам йўл қўймайди. Бўлиб ўтган хайрли тадбир ҳам шунинг исботи.

**Муборак ОХУНОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси «Ааж» газетасининг Ўзбекистондаги ўз мухбири жаноб Алок Шекхарга отаси профессор
**Гопал Кришна СИНГХнинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 00.10 123456